2013 1-52 I-XII №1-25




# O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@b2c.uz 2013-yil 4-yanvar • №1 (4192)


**Ўзбекистонимизнинг бугунги кунда бутун дунё тан олаётган юксак марраларга эришишида, бир сўз билан айтганда, обод ва фаровон ҳаёт барпо этишда, аввало, шу саховатли заминда яшаётган ҳар қайси инсоннинг муносиб ҳиссаси борлигини, бу ютуқларнинг барчасига халқимизнинг кундалик оғир ва машаққатли меҳнати, мардлиги ва матонати, бир ёқадан бош чиқариб, ягона оила бўлиб, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибатни кўз қорачиғидек асраб яшаётганимиз мустаҳкам замин бўлаётганини ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.**

Президент Ислом КАРИМОВнинг "Ўзбекистон халқига янги йил табриги"дан.

## ФАРҒОНАНИНГ ВАЛЛОМАТ АҲЛИ

**Мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида ёрқин из қолдирган 2012 йил тарихга айланди. "Мустаҳкам оила йили" чин маънода оламшумул воқеаларга бой бўлди. Дунё Ўзбекистонни эътироф этмоқда. Бунга биргина мисол: яқинда Буюк Британиянинг нуфузли Maplecroft консалтинг компанияси томонидан инвестиция муҳити энг қулай бўлган давлатлар рўйхати эълон қилинди. Дунёдаги 175 та мамлакатни қамраб олган ана шу рўйхатда етакчи 20 та давлат қаторидан Ўзбекистоннинг жой олганлиги юртимизнинг жаҳондаги обрў-эътиборини намоён этиб турибди.**

Ана шундай қувончли кунларда Президентимизнинг вилоятимизга ташрифи келгуси йилларда амалга ошириладиган бунёдкорлик ва ижодкорлик соҳасидаги ишларга тамал тошини қўйиб, бизни янги мақсад ва режалар сари сафарбар этмоқда. Юртбошимиз мазкур ташрифи жараёнида вилоятда олиб борилаётган қурилиш, ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишди ва Халқ депутатлари вилоят кенгаши сессиясида қатнашиб, бу борада қўлга киритилган муваффақиятларга юқори баҳо берди.

Бугун шаҳримиз кўчасидан юриб бораркanман, катта-кичик ҳамюртларимнинг дилидаги хурсандчилик, ҳайрату ифтихор менинг ҳам юрагимга кўчади.

— Бу қайси кўча, танимай қолибман. Юрагим ёлқинланиб кетади. Бу — Қувасой, бу — Аэропорт кўчаси-ку! Гапнинг рости, шаҳардан кўра қишлоқ қиёфасини эслатадиган тор, асосан хом ғиштлардан тикланган уйлар ўрнида миллий ва замонавий меъморчилик уйғунлигида қайта бунёд этилган иморатлар, маиший-хизмат бинолари кенг ва ёруғ кўчага ўзгача шукуҳ ва улуғворлик бағишлабди. Текис ерда, янги жойда-ку орзуингдаги гўзал, кўркам имо-

### Ватан учун яшайлик

ратлар қуриб, қойил қилганларга яратувчилик, фаровонлик мана бундоқ бўлибди, отасига раҳмат, дейсиз. Ҳайратланиш, олқишлаш ёқимлику-я, лекин яшаб турган уйини бузиб, қисқа фурсатда қайтадан бунёд этиш, кўркам, жаннатмонанд гўшага айлантириш, юрт кўркига кўрк қўшиш чинакам ватанпарварлик, элпарварлик эмасми?

Қувасой кўчасидаги уйлар бузилаётган баҳор кунлари ишим шу томонларга тушди-ю, ичи, таши зах босиб ётган гувала деворларнинг аҳволини кўриб, Юртбошимизнинг узоқни кўра билганликларидан кўксим тоғдек кўтарилди. Фарғона шаҳрини қайтадан бунёд этиш борасидаги қарорнинг замирида балки шаҳарнинг яқин юз йилликлар доирасидаги истиқболи, маданияти, илм-фани, иқтисодиёти, одамларнинг хоҳиш-иродаси, диди, маънавияти ҳам эътиборга олинганини кўриб, кўнглим завқу сурурга тўлди.

Президентимизнинг ўтган йил 11 сентябрдаги ташрифидан сўнг шаҳримизда бунёдкорлик, яратувчилик кенг қулоч ёзди. Маданияти, адабиёти, санъати билан машҳур Фарғонани қайта қуриш, уни дунёнинг энг гўзал, тараққий этган шаҳрига айлантириш тўғрисидаги Юртбошимиз фикрлари, режа-топшириқлари шаҳар аҳлининг орзу-интилишларига қанот берди. Шундан сўнг қисқа вақт ичида Қувасой, Алишер Навоий, Аҳмад Фарғоний, Нозим Ҳикмат, Баҳор, Бобур, Оқариқ, Нурафшон, Хўжанд, Темирйўл, Аэропорт кўчаларида кенг кўламдаги қурилиш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилди, миллий ва замонавий архитектура ансамблларини ўз ичига олган муҳташам бинолар қад кўтарди.

Давоми иккинчи саҳифада.



Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Махмуд ТОИР, Ўзбекистон халқ шоири

## ЯНГИ ЙИЛГА БАҒРИНГНИ ОЧ

Шеърий лаҳза

**Ўтар кунинг ўтаверар, сўрамайди,
Бошга тушган қорни биров курамайди,
Тош нурайди, пок ниятлар нурамайди,
Кетар йилнинг шукрини қил, кузатиб қол,
Янги йилга бағрингни оч, хуш кутиб ол.**

**Отанг борми, орзуларин ушатиб юр,
Онанг бўлса пойига гул тўшатиб юр,
Қадам боссанг Алпомишга ўхшатиб юр,
Ўтар йилда гар дилингда қолса савол,
Янги йилда сен янгратиб жавобин ол.**

**Эзгуликнинг мехробидан йироқ бўлма,
Вале ўзинг хуш ниятга тузоқ бўлма,
Магар нурсан, кундуз ёнган чироқ бўлма,
Юз жилвада боқса ҳамки тунда ҳилол,
Янги йилда назарингни қуёшга сол.**

**Келгин гулга, ҳам райҳонга бўл ҳамнафас,
Дил боғининг кўрки эрур, билсанг, ҳавас,
Ватан биздан вафо кутар, ваъдалармас,
Гар ҳамроҳинг илму ҳикмат, касби камол,
Янги йилда сеникидир бахту иқбол!**

Зулайҳо БОЙХОНОВА:

## ҚЎШИҚ — КЎНГИЛ МАЛҲАМИ

**Ўзбекистон халқ артисти, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳибаси Зулайҳо Бойхонованинг номи театр саҳнасида яратган бетакрор образлари, кўплаб дилбар қўшиқлари орқали нафақат республикамизда, балки ундан ташқарида ҳам маълум. Санъаткор билан суҳбатимиз театр ва эстрада санъатининг муштарак жиҳатлари ҳамда миллий эстраданинг ҳаётимиздаги ўрни хусусида бўлди.**

**— Зулайҳо, сиз Муқимий номидаги театрда бош қаҳрамонлар ролини ўйнаб халққа танилгансиз. Бугун миллий эстрада санъати равнақи йўлида изланяпсиз. Айтингчи, театрдан эстрада санъатига ўтишингизга нима сабаб бўлди?**

— Очиқ гап, театрда ишлаб юрган кезларимдаёқ қўшиқ ижрочилиги борасидаги маҳоратимни қадрлаб, "Хонандаликда ўзингни синаб кўрсанг бўларди", деган гапларни эшитиб юрардим. Мусиқали театр санъати шинавандалари орасида ҳам спектаклда мен ижро этадиган ария ва дуэтларнинг мухлислари кўп эди.

Ўша пайтларда ҳам радио-телевидениеда, айрим ҳолларда эса баъзи тадбирлар, концерт дастурларида ижодий бисотимдаги энг сара қўшиқларим билан иштирок этардим. Қўшиқ шинавандаларининг диққат-эътибори, олқишларидан суюниб юрардим. Эстрада оламига илк бор Нодира ғазали билан айтиладиган "Тушимда кўрсам эди" қўшиғи билан қадам қўйдим. Мухлислар қўшиқни яхши кутиб олишди. Кейин шоира Саида Зуннунова сўзлари билан айтиладиган "Ҳай-ҳай" қўшиғи саҳна юзини кўрди. Моҳир бастакор Абдуҳошим Исмоилов куйи билан яралган шу қўшиқ орқали эстрада санъатига йўлим очилди. Устоз билан биргаликда миллий эстрада йўналишида қўшиқлар ярата бошладик. Бунда у кишининг куйларини усталик билан аранжировка қилиш маҳорати жуда қўл келди.

Давоми бешинчи саҳифада.




### 14 январ — Ватан ҳимоячилари куни

**Янги йил байрами арафасида таҳририятимизга бир аёл кириб келди. Ийманиб, паст овозда ходимлардан нimanидир сўради. Орадан бироз вақт ўтиб, мени бош муҳаррир йўқлаётганини айтишди. Борсам, ҳалиги аёл шу ерда ўтирган экан. Унинг кўзидаги ёшни кўриб хавотирлана бошлаган эдим, бош муҳарриримиз мамнун жилмайди: Бу опа — чегарачи аскар Жаҳонгир Дўсматовнинг онаси.**

**Шу куни Мунаввар опа билан узоқ суҳбатлашдик.**

## АСКАР ОНАСИ

Аскар йигитнинг отаси Акбар ака Тошкентдаги заводлардан бирида узоқ йиллар пайвандчи бўлиб ишлаган. Мунаввар опа эса уй бекаси. Иккиси ҳам юмшоқфеъл одамлар. Пойтахтимиздаги "Нодирабегим" маҳалласида истиқомат қилаётган Дўсматовлар оиласини кўпчилик ҳурмат билан тилга олади.

Акбар ака ва Мунаввар опа учун бу галги янги йил байрами ҳар қачонгидан ҳам файзли бўлди. Айём арафасида ота-она номига ўғли — оддий аскар Жаҳонгир Дўсматов йигитлик бурчини ўтаётган ҳарбий қисмдан ташаккурнома келди. Бу оддий мактуб эмас, миннатдорлик мактуби! Ундаги сўзлар ҳам оддий эмас, мунис она кўзларини севинч ёшларига тўлдирган қувонч муждасидир!

— Кечадан бери ташаккурномани қўлимдан қўйганим йўқ, — дейди Мунаввар опа. — Юз марталаб қайта ўқигандирман... Мақтанишга йўймангу бўладиган бола бошидан, деганларидек Жаҳонгирим бизга кўп раҳмат олиб келади: қўни-қўшнилардан, мактабдан, мураббийларидан... (опа шуларни айта туриб, газета қатидаги ўндан зиёд фахрий ёрлиқ ва дипломларни бирма-бир олиб кўрсатди). Айниқса, ҳарбий қисмдан келган хат бизни жуда севинтирди. Мен қувончдан ўзимни қўярга жой тополмай қолдим. Ташаккурномани қўни-қўшниларга, қариндош-уруғларга бирма-бир кўрсатдим. Уларнинг жавоби бир хил бўлди: "Жаҳонгир интилувчан йигит, шунинг учун у бунга муносиб!"

Намиқиб, бироз ғижимланган мактубни қўлимга олиб, секин кўз югуртираман: «...намунали ҳарбий интизоми, аъло хизматлари билан сафдошларига ўрнак бўлмоқда. Акбар ака, Мунаввар опа, чинакам ватанпарвар фарзанд тарбиялаганингиз учун сизларга миннатдорлик билдирамиз...»

Мактубни опага қайтариб узатдим.

— Кўрдингизми, хатни шунчаки ўқиб бўлар эканми, — дейди опа хижолатомуз оҳангда. — Ҳар ўқиганимда қувонч ёшларидан ўзимни тиёлмаяпман. Бироз ғижим бўлгани ҳам шундан. Кечаси ўйлай-ўйлай эрталаб бир қарорга келдим. Ўғлимиз эл-юрт олдида юзимизни ёруғ қилди, келинг, газета орқали Ватан ҳимоячилари куни билан Жаҳонгирни табриклаб хурсанд қилайлик, дедим. Отаси иккиланди: «Қандай бўларкан, бизга ўхшаган ота-оналар кўп бўлса, ҳамма ҳам аскар боласини байрам кунларида табриклагиси келади-да», деди. "У ҳолда ҳарбий хизматдаги барча йигитларга эзгу тилаклар айтамиз", деб келавердим.

Давоми иккинчи саҳифада.

**«Ишонамизки, ёзувчи ва драматургларимиз ҳам бугунги авлодларнинг фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳияти, замондошларимизнинг маънавий-руҳий дунёси, ҳаётга кириб келаётган ва ҳал қилувчи кучга айланаётган ёшларимизнинг пок орзу-интилишлари ўзининг теран бадиий ифодасини топган янги асарлар билан халқимизни хушнуд этадилар". Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобидан келтирилган ушбу иқтибос бугунги кун ижодкорлари олдида нақадар масъулиятли вазифа турганлигини англатади.**

## КЕЛАЖАККА ЧОРЛОВЧИ МАҚСАДЛАР

### ижодий фаолликка даъват этади

Зеро, ўтаётган кунлар ҳар бир инсондан, қайси касб эгаси бўлишидан қатъи назар, ўз имконияти, истеъдоди ва салоҳияти борича ватан равнақига ҳисса қўшишни тақозо этмоқда.

Ижодкор зоти қўлига қалам олар экан, аввало, ўзи туғилиб ўсган замин, атрофидаги одамларнинг ҳаёт тарзи, остона ҳатлаб кўрганлари, олган таассуротлари асосида кўнглида кечган ҳис-туйғуларни қоғозга туширишга ҳаракат қилади. Сабоқ чиқаришга ундовчи тарихий воқеалар, жамиятда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, келажакка чорловчи мақсадлар ижод аҳлини доимо мушоҳада юритишга, фикрлашга, ўз сўзини айтишга даъват этади.

Айни пайтда дунёда ва мамлакатимизда рўй бераётган воқеалар, оламшумул ўзгаришлар адибларимизни янада фаолроқ бўлишга, ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, уни ривожлантириш йўлида меҳнат қилаётган замонамиз қаҳрамонлари қиёфасини салмоқли асарларда акс эттиришга ундамоқда. Ўзбекистон Ёзувчилар

### Ёзувчилар уюшмасида

уюшмасида бу борада шоир ва ёзувчилар, драматурглар билан ҳамкорликда талай тадбирлар амалга ошириляпти. Ўтган бир йил давомида уюшмада йигирмага яқин шоир ва ёзувчиларимизнинг янги китоблари тақдимоти ўтказилди. Ушбу тадбирлар доирасида китобхонлар билан учрашувлар ташкил этилди, ёш қаламкашларнинг таклиф-мулоҳазалари ўрганилди. Бу каби адабий учрашувлар вилоятларда, шаҳару қишлоқларда ҳам ўтказиб келинмоқда. Шу мақсадда уюшма томонидан вилоятларда минтақавий кўчма семинарлар ташкил қилинди. Жумладан, шундай кўчма семинарлар доирасида Наманган вилоятидаги қатор таълим муассасалари ва туманларда "Маънавият — оиладан бошланади" мавзуида маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Тадбирларга Тошкент шаҳри, Наманган, Фарғона, Андижон вилоятларидан таниқли адиблар ҳамда ёш ижодкорлар таклиф этилди. Учрашувлар жараёнида чекка туманларда ҳам адабиётни жон-дилидан севган, ижодга меҳр қўйган истеъдод соҳиблари кўплиги аён бўлди. Айниқса, бугунги кунда интернет ва бошқа компьютер янгиликларига бутунлай боғланиб қолмасдан, китоб мутолаасига ихлос қўйган ёшларнинг ҳам оз эмаслиги кишини мамнун этади. Қолаверса, пойтахтдан борган адиблар мустақиллик йилларида вилоятда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларини, одамларнинг меҳнатга муносабати, ҳаётга янгича қарашларини кўриб, янги асарлари учун бебаҳо манбалар тўплаш имкониятига эга бўлишди.

Давоми иккинчи саҳифада.

# ФАРҒОНАНИНГ ВАЛЛОМАТ АҲЛИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Шаҳарнинг қоқ марказида бир асрдан буён ҳавони ифлослаб, экологияни бузиб келаётган ёғ-мой заводи шаҳар ташқарисига кўчирилиши туфайли аҳоли соғлиғига зарар етказаётган тонна-тонна заҳарли чиқиндиларнинг атроф-муҳитга тарқалиши олди олинди. Мазкур завод ўрнида 26 гектар майдонни эгаллаган, минг ўринли "Санъат саройи" қурилиши якунланмоқда. Айни чоғда Аҳмад Фарғоний номли маданият ва истироҳат боғини реконструкция қилиш асносида Бобур, Аҳмад Фарғоний кўчалари оралиғида сўлим хиёбон ташкил этиш ишлари ҳам олиб борилятпи. Алишер Навоий ҳамда Оқариқ кўчалари туташган манзилда эса дам олиш маскани ва мусиқали фавворалар қурилиши ниҳоясига етказилмоқда.

Автомобил йўллари тизимини тубдан яхшилаш учун Аэропорт, Оқариқ, Нозим Ҳикмат, Баҳор, Нурафшон, Темирйўл кўчаларида катта ҳажмдаги қурилиш ишлари амалга оширилди. Йўллар бўйида муҳташам тураржойлар, ижтимоий соҳа объектлари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш бинолари қад ростламоқда. 150 та 5 қаватли янги иморатларнинг қурилиши 20 мингдан зиёд оилага кўркам, қулай, шинам уйларда яшаш имконини беради. Жами икки юздан зиёд ижтимоий-маиший бино ва хизмат кўрсатиш объекти, иккита бозор, бешта истироҳат боғи ва хиёбонлар, саккизта фаввора янгидан барпо этилди. Кенг ва равон кичик халқа йўли, қўшимча ичимлик суви ва газ тармоқлари ўтказилди, электр тармоқлари мукаммал таъмирланди.



Шаҳримизда қад ростлаётган муҳим иншоотлардан яна бири 20 минг ўринли, халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган футбол стадионидир. Ҳозир ўйингоҳда қурилиш жадал олиб борилмоқда. Мен Ереванда бўлиб ўтган бокс бўйича халқаро беллашувда олтин медални қўлга киритиб, жаҳон чемпиони деган юксак шарафга сазовор бўлиб қайтган Акмалбек Қосимовни шу ерда, қурилишда учратдим.

— Тенгдошларимдан таърифини эшитиб, ўз кўзим билан кўришга қарор қилдим. Ҳақиқатан улкан қурилиш. Бир йил бурун ҳам Фарғонада шундай стадион қурилиши мумкинлиги тасаввуримизга сиғмасди. Биз ёшлар бундай ғамхўрлик ва юксак эътиборга чиндан-да муносиб бўлишимиз керак.

Сессияда Президентимиз ёшлар масаласига алоҳида аҳамият қаратди: "Дунёда ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етаётган, интеллектуал ва маънавий даражаси, замонавий касб-ҳунар ва етакчи хорижий тилларни билиши жиҳатидан тараққий топган давлатлардаги тенгдошлари билан баҳслашишга, керак бўлса курашишга, ҳар қандай мураккаб вазифани уддалашга қодир бўлган ёшларимиз бугун ҳаётга кириб келяпти. Бу барчамизга ғурур ва ифтихор етказади, албатта". Бу сўзларнинг тасдиғига яқинда ташкил топган «UZSUNGWOO» қўшма корхонаси ишчи-хизматчиларнинг фаолияти билан танишганимда ишонч ҳосил қилдим. Улкан иншоотдаги техникавий қурилмалар, яратилган шароит, экологик муҳит ва ишчанлик муҳити мени ҳайратга солди. Айниқса, корхона ёш мутахассисларнинг маҳорати, интилиши ва салоҳиятига тасанно айтдим.

— Бундай йирик корхоналар дунёнинг олти мамлакатидагина мавжуд. Уларнинг бири бизнинг Фарғонада барпо этилгани давлатимиз ва ҳукуматимизнинг биз ёшларга ишончи, эътирофининг шаҳодатидир, — дейди корхона мутахассиси Нодирбек Тилаволдиев. — Корхонамиз Германиядан келтирилган, жаҳон андозаларига жавоб берадиган энг илғор технология асосида жиҳозланган. Мамлакат автомобилсозлиги тараққиётига хизмат қиладиган янги автомобил моделларига штамланган-пайвандланган деталлар ишлаб чиқармоқдамиз. Маҳсулотларимиз дунёнинг кўплаб давлатларига экспорт қилинмоқда. Энг қувончлиси, сизни ҳайратга солиб турган мана шу энг сўнгги технологияни ёшлар бошқармоқда. Чет эллик мутахассислар ёшларимизнинг тафаккури, шижоати ва билимига катта баҳо бераётгани бежиз эмас.

Нодирбекнинг ҳамкасби Абдувоҳид Мансуров ҳам суҳбатимизга қўшилди:

— Менинг бир орзуим бор. Шундай қудратли, юксак технологиялар билан жиҳозланган корхонада ишлаш мен учун чексиз ифтихордир. Энди мана шундай илғор технологияларни ўзимиз шу ерда яратамиз, ёшларимиз яратишади. Бунга ўзбек ёшлари юксак салоҳияти билан эришамиз.

Суҳбатни аксарият ёшлар меҳнат қилаётган ва янгидан бунёд этилган «Индарама», "УзХанву-инжиниринг», «Bak Bonyan Servis», «Ziyorat palace», "Professional Tile Covering", «Kvast tex product» каби қўшма корхоналар мисолида давом эттириш мумкин. Вилоятда 2012 йилнинг январ-сентябр ойлари давомида 45,8 миллиард сўм миқдорида инвестиция ўзлаштирилиши ҳисобига 26 та лойиҳа фойдаланишга топширилган. Буларнинг ҳисобига 1460 та янги иш ўринлари яратилганлиги ҳамда хорижий сармоялар иштирокида фаолият кўрсатаётган бундай корхоналарнинг сони вилоятда юздан ошгани Фарғонанинг эртанги ёруғ истиқболидан дарак бериб турибди.

Президентимизнинг сесссиядаги маърузасида: «Яқинда мен газетада Марғилонда бунёд этилган замонавий мусиқа мактабининг суратини кўриб, қани эди ёш бўлиб қолсам, мен ҳам шундай мактабга кириб ўқиган бўлардим, деб беихтиёр орзу қилдим», деган сўзлари ёшлар орзусига қанот бўлади, деб ўйлайман. Шу йилнинг ўзида вилоятда 6 та мусиқа ва санъат мактаби, 5 та спорт зали ва 2 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилганининг ўзиёқ бу соҳадаги ишларнинг кўламига муносиб баҳо беради.

Донишмандлардан бири шогирдларига «Дунёда энг юмшоқ нарса нима?, деб савол берибди. Шунда шогирдларидан бири «кўнгил», яна бошқаси "пахта", кимдир "ипак" деб жавоб берибди. Шунда давра четида ўтирган бир мўйсафид «дунёда энг юмшоқ ва азиз нарса бу — "тинчлик" деб жавоб берган экан. Дарҳақиқат, мамлакатимизда амалга оширилаётган барча юксалиш ва тарққиёт ана шу тинчлик туфайли. Минг шукурки, юртимиз тинчлиги боис ҳар тонг бехавотир эшик очамиз, фарзандларимизни бамайлихотир ишга, ўқишга кузатамиз, дарвозаларимиз зулфинига кечқурун ҳам қулф тушмайди. Бундан қалбимда шукроналик туйғулари жўш уради. Тилимга қуйидаги сатрлар келади.

**Бу кун кўрку ҳусни Боғи Эрам Фарғона, Фарғона,**
**Боқар ҳайратда лол рўйи олам Фарғона, Фарғона.**

**Ки саодат, бахт довони, ки чархнинг иқбол айвони,**
**Бу жон ичра узилмас жон толам Фарғона, Фарғона.**

**Асрларга солур ҳайрат, ким муҳташам иморатлар,**
**Иморатлар ичра улуғ каъбам Фарғона, Фарғона.**

**Азал саркотиби ёрлиқ ато этмиш Онагулга,**
**Минг шукрки, минг ғурурки, манам Фарғона, Фарғона.**

**Энахон СИДДИҚОВА,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари**

# КЕЛАЖАККА ЧОРЛОВЧИ МАҚСАДЛАР

## ижодий фаолликка даъват этади

Самарқанд вилоятидаги олий ўқув юртлари, касб-ҳунар таълими муассасалари, меҳрибонлик уйлари ва Қўшработ, Ургут, Пастдарғом, Самарқанд туманларида "Мустаҳкам оила – жамият таянчи" ва "Юрт тинчлиги – бебаҳо неъмат" мавзуларида учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Тадбирларда Тошкент шаҳри, Жиззах ва Сирдарё вилоятларидан таниқли адиблар ҳамда ёш ижодкорлар ҳам иштирок этди. Айни пайтда Самарқандда кишини ҳайратга солувчи бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Замонавий бинолар қад ростлаяпти, кўча ва хиёбонлар кўркам қиёфа касб этяпти. Аждодларимизнинг қадимий маданияти, бебаҳо меъморчилик санъатидан дарак бериб турган бу кўҳна шаҳарнинг бугунги ҳусни мустақиллигимизга, янгича орзу ва мақсадларимизга тамоман мос ва хосдир. Бу ишларни амалга ошираётган бунёдкорлар, фидойи кишилар чинакам замонамиз қаҳрамонларидир. Бугуннинг ижодкори ана шу улкан ишлар замирида қанча меҳнат борлигини, қандай мақсадлар мужассамлигини кўра олиши, уларни ўз асарлари орқали замондошларимизга ҳамда келажак авлодларга етказиши керак. Учрашувлар чоғида шу борада кўплаб фикр ва таклифлар билдирилди.

Ҳазрат Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби улуғ сиймоларнинг таваллуд кунлари муносабати билан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган адабий кечалар миллий адабиётимиз нечоғли буюк хазинага эга эканлигини, адабиёт остонасига қадам қўяётган истеъдод эгалари кимлардан ибрат олиши лозимлигини англашимизда муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, жойларда турли мавзуларда ташкил этилган адабий анжуманлар шоир ва ёзувчиларимизда ҳам, китобхонларда ҳам ўзига хос таассурот қолдирганига шубҳа йўқ. Андижон вилоятининг Бўз, Шаҳрихон, Избоскан, Асака туманлари ҳамда вилоят театрида бўлиб ўтган "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан" мавзуидаги адабий-маърифий учрашувларда элимиз ардоқлаган таниқли шоир ва ёзувчилар, адабиётшунослар истиқлол йилларида халқимиз эришаётган ютуқлар, юрт ва оилалар фаровонлиги ҳақида фикр билдирдилар. Ҳар йили анъанага айланиб бораётган ёш ижодкорларнинг "Шаҳрихонсой мавжлари" минтақавий анжуманида Андижон, Наманган ва Фағона вилоятидан ўттизга яқин ёш ижодкорлар қатнашди. Қорақалпоғистон давлат университети, Нукус шаҳри, Элликқалъа туманидаги таълим муассасаларида "Мустаҳкам оила – Ватан равнақининг пойдевори" мавзуидаги ижодий учрашувлар, Қашқадарё вилоятидаги маҳаллалар ва болалар дам олиш оромгоҳларида "Ватан тақдири – менинг тақдирим" мавзуидаги адабий-маърифий тадбирлар юртдошларимиз қалбида ватанга муҳаббат, ватанпарварлик ҳисси қанчалик ортиб бораётганлигини намоён этди.

Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани маданият саройида, ҳарбий қисмларда ҳамда бир қатор касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактабларида "Ёшлар бизнинг эртамиз, ишончимиздир" мавзуида ўтказилган ижодий учрашувлар давомида ижодкорларимиз тумандаги мактаблар кутубхонаси учун мингга яқин бадиий адабиётларни туҳфа қилдилар.

Хоразм вилоятида мумтоз адабиётимизнинг атоқли намояндаларидан бўлган Муҳаммад Ризо Огаҳий таваллуди санаси муносабати билан Хивадаги Маъмун академиясида ва Урганч давлат университетида бўлиб ўтган адабий анжуман жараёнида ҳамда Қорақалпоғистоннинг Элликқалъа туманида меҳнат жамоалари вакиллари ва ёшлар билан бўлиб ўтган учрашувларда ўз ҳаёти ва ижодий фаолияти давомида улкан маънавий дурдоналарни яратиб кетган улуғ аждодларимизга кўрсатилаётган эҳтиром, уларнинг бебаҳо мерослари авлодлар тарбиясида, келажакдаги мақсадларимиз йўлида қанчалар аҳамият касб этишига доир фикрлар яна ўртага тушди. Юртимизнинг ҳар бир манзилида юксак тафаккур соҳиблари бўлган алломаларнинг излари қолган. Уларнинг меросини асраб-авайлаш, ўрганиш, келгуси авлодга етказиш ижод аҳлидан катта масъулият талаб қилади.

Ижодкорларнинг фаоллигини ошириш, ижодий рақобатни шакллантириш борасида ҳам жиддий изланишлар олиб борилятпи. Жумладан, мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида "Ватан учун яшайлик" номли ижодий танлов ўтказилди. Танловда республикамизнинг барча вилоятларидан юз нафардан ортиқ ижодкорлар иштирок этишди. 12 нафар танлов ғолибларига диплом ва мукофотлар топширилди. Ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ва уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида ўтказилган "Ватан ягонадир, ватан биттадир" танлови ёш қаламкашларни ижодий руҳлантирди, десак янглишмаймиз. Танловда республикамиз вилоятларидан 250 нафарга яқин ёш ижодкорлар иштирок этиб, 11 нафар танлов ғолибига диплом ва мукофотлар топширилди. Ғолибларнинг ижод намуналари тўплам ҳолида нашр эттирилди. "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида "Оила – менинг қутлуғ боғим" номли ижодий танлов эълон қилинди. Танлов ғолиблари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг йигирма йиллиги байрами арафасида тақдирланди.

Куз охирларида "Дўрмон" ижод уйида "Истеъдод мактаби" III анъанавий Республика ёш ижодкорлар семинари ўтказилди. Семинарга Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан шеърият, наср, болалар адабиёти йўналишларида ижод қилувчи 45 нафар ёш ижодкорлар таклиф этилди. Семинар иштирокчилари учун ижодий машғулотлар, устозлар сабоқлари, устоз адибларнинг уй-музейларига ва театрларга саёҳатлар, давра суҳбатлари, "Ватан оиладан бошланади", "Биз – келажакнинг овозимиз" мавзуларида учрашувлар ташкил этилди. Анжуман иштирокчилари орасидан энг яхши асар муаллифларидан ўн бир нафарининг илк китоблари "Биринчи китобим" лойиҳаси асосида "Ижод" жамоат фонди ҳомийлигида нашр этилди. Мазкур лойиҳа асосида ҳар йили ўндан ортиқ ёш ижодкорларнинг биринчи китоблари сараланиб, нашр эттирилмоқда. Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари билан ҳамкорликда ушбу китоблар республикамиздаги таълим муассасаларига бепул тарқатиляпти. Бундан кўзланган мақсад истеъдодли ёшларимизнинг ижодини кенг тарғиб қилиш, шунингдек, мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларида истиқомат қилаётган ёшларда фаол тенгдошларига қизиқиш, адабиётга, китобга меҳр уйғотишдан иборат. Бу, албатта, адабиётни севган, ижод қилишга маҳкам бел боғлаган истеъдодли ёшларга қанот бағишлайди.

Уюшма қошида ташкил этилган ижодий кенгашлар ҳам ижодкорлар билан фаол иш олиб бормоқда. Нашриётлар ва бевосита муаллифларнинг ўзлари томонидан тақдим этилган қўлёзмалар ушбу кенгашларда муҳокама этилиб, тегишли тавсиялар берилиши йўлга қўйилган. Ўтган йили кенгашларда юзга яқин қўлёзмаларнинг кўрилгани юртимизда ижодкорларнинг кўплиги, янгидан-янги асарлар яратилаётганидан дарак беради. Таъкидлаш жоизки, ёш драматурглардан 11 нафарининг пьеса ва киносценарийлари "Жозиба" номи билан чоп эттирилган эди. Жорий йилда мазкур асарларнинг олтитаси саҳна ва экранга олиб чиқилди. Қолганлари ҳам турли театр ва студияларда ижодий жараёнда.

Эндиликда биз миллий адабиётимиздаги сара асарларни нафақат юртдошларимизга, балки хорижлик китобхонларга ҳам кенг тарғиб қилишимиз зарур. Шу мақсадда Халқаро алоқалар ва бадиий таржима кенгаши томонидан қатор лойиҳалар ишлаб чиқиляпти. Ушбу лойиҳалар доирасида Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Самарқанд давлат чет тиллар институти, Қарши давлат университети ва яна бир қатор хорижий тиллар бўйича мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда тадбирлар амалга оширилаяпти. Ёш таржимонлар билан учрашувлар, семинарлар мунтазам ўтказилмоқда. Самарқандда ёш таржимонлар алманахи нашр қилинди. Ушбу олий таълим даргоҳларида таржимонларни тайёрлаш бўйича Халқаро алоқалар ва бадиий таржима кенгашининг шўъбалари ташкил қилинди. Мазкур шўъбаларда айнан бадиий асарлар таржимачилиги бўйича сабоқлар берилади. Таниқли таржимонлар томонидан маҳорат дарслари ўтилади. Улар ўзбек адибларининг асарларини она тилимиздан бевосита турли Шарқ ва Европа тилларига таржима қилиш сир-асрорини ўрганадилар. Бунга ҳозирда талаба-ёшлар орасида қизиқиш ортиб бораётганини мамнуният билан таъкидлаш ўринли.

"Мустаҳкам оила йили"да оила институтини мустаҳкамлаш борасидаги давлат сиёсати, Давлат дастурининг аҳамияти, моҳияти ва натижаларини ҳар томонлама очиб берадиган, шунингдек, мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган барча соҳалардаги ислоҳотларнинг самарасини ёритадиган мақолаларни матбуотда эълон қилиб бориш мақсадида Уюшма томонидан "Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан" рукни ташкил этилиб, замонамиз қаҳрамонлари ҳаёти ва фаолиятини кенг тарғиб этувчи долзарб мавзулардаги публицистик мақолалар, очерк ва ҳужжатли қиссалар ёзишга уюшма аъзолари жалб қилинди. "Халқ сўзи", "Ўзбекистон овози", "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "Ҳуррият", "Туркистон", "Китоб дунёси", "Маърифат" газеталарида мунтазам мақолалар эълон қилиб борилмоқда.

Мустақиллик миллий адабиётимизга ҳам, ижодкорларимизга ҳам катта имкониятлар эшигини очди. Бугун адабий жараёнда, ижодкорлар фаолиятида изланишлар даври кечаётганини кузатишимиз мумкин. Бундай изланишлар келажакда, албатта, ўзининг хилма-хил сара меваларини беради.

**Уйғун РЎЗИЕВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси масъул котиби**

# АСКАР ОНАСИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Мунаввар опанинг тўғри қилибманми, дегандек жавдираб турган кўзларига қараб, уни маъқулладим.

Жаҳонгир ҳақида мактабда, коллежда аъло баҳоларга ўқиган деб ёзсам, аълочилар ҳамма жойда бисёр. Спорт мусобақаларида ғолиб чиққанини ёзсаммикан-а. Йўқ, бўлмайди, яхшиси муддатли ҳарбий хизматга тайёргарлик кўра бошлаган вақтидан бошлай қоламан.

Жаҳонгир Мирзо Улуғбек туманидаги саноат касб-ҳунар коллежида таҳсил олган. Ҳарбий хизматга қадар «Ватанпарвар» ташкилотига қарашли Тошкент бирлашган техника мактабида ўқиган. Шу ўринда, у тенгдошлари орасида етакчилик қобилияти билан ажралиб туришини таъкидлаб ўтиш лозим. Бирлашган техника мактабида намунали хулқи, интизоми, илмга чанқоқлиги билан бошқаларга ўрнак кўрсатиб, фахрий ёрлиққа сазовор бўлган.

Албатта, ҳар бир йигит мудофаа ишлари бўлимига мурожаат этади. Уларнинг ҳаммасини эслаб қолиш эса мушкул. Аммо Мирзо Улуғбек тумани мудофаа ишлари бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган подполковник Самандар Бозоровдан Жаҳонгир Дўсматов ҳақида сўраганимизда ҳозиржавоблик билан шундай деди:

– Касбим тақозосига кўра ҳарбий хизматга чақирилувчи кўп йигитлар билан суҳбатлашганман. Жаҳонгир фикр доираси кенглиги, чуқур билими, ғайрату шижоати билан эътиборимни тортди. Уни «Ватанпарвар» ташкилотига қарашли Тошкент бирлашган техника мактабида таҳсил олишга тавсия қилдик. Ватан тақдирига ўзини дахлдор деб билган айнан Жаҳонгир каби йигитлар Қуролли кучларнинг фахри бўлишга ҳаракат қилади.

Дарҳақиқат, оддий аскар Жаҳонгир Дўсматов муддатли ҳарбий хизматни ўташ жараёнида ўзига бириктилган вазифаларга ситқидилдан ёндашиб, сафдошлари орасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлди.

Бугунги кунда миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш ёшларимиз учун том маънода шон-шараф ишига айланди. Улар муддатли ҳарбий хизматга муносиб эканини ғоят мураккаб синовлардан ўтиб, амалда исботлаши лозим. Эндиликда жисмонан соғлом бўлишнинг ўзи камлик қилади. Ватан ҳимоячиси чуқур билим, юксак маънавият соҳиби бўлиши зарур. Барча синовлардан муваффақиятли ўтган чақирилувчилар ота-оналар, яқинлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида муддатли ҳарбий хизматга тантанали тарзда кузатилади. Ҳарбий қисмда кутиб олиш тантанаси ҳам бундан кам бўлмайди.

Юрт посбонлари учун яратилган шарт-шароитлар — замонавий қиёфа касб этган ётоқхоналар, спорт шаҳарчаси, бой китоб фондига эга кутубхоналар, дид билан жиҳозланган ошхоналар, тиббиёт пунктлари, машғулотлар олиб бориладиган ўқув заллари, компютер хоналари, барча-барчаси киши кўзини қувонтиради.

Шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясига ҳам катта эътибор қаратиб келинмоқда. Беш йилда барча тоифадаги ҳарбий хизматчиларнинг ойлик маоши ўртача уч карра ошди, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг маош ва ҳарбий хизматдан бўшаганда тўланадиган ёрдам пули миқдори саккиз баробар ўсди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан тегишли тавсияномага эга бўлган ҳарбий хизматчилар олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ўтказиладиган тест синовларида қўшимча имтиёзга эга бўлмоқдалар.

– Ҳарбий қасамёд қабул қиладиган куни ўғлимни қутлаш учун бордик, – дейди Мунаввар опа. – Ҳарбий қисм аскарларнинг ота-оналари, яқинлари билан гавжум. Шундай бир пайтда командирлар юзлаб ота-оналар ичидан мени чақиришди: «Опа, ўғлингизга жуда яхши тарбия берибсизлар. Бировлардан ёрдамини аямайдиган, мард, олижаноб йигитни тарбиялаб, вояга етказганингиз учун сизларга раҳмат...» дейишди. Бу сўзларни эшитиб, қалбим ифтихорга тўлиб-тошди. Ўзингиз айтинг, ота-она учун бундан юксак мукофот борми?! Ўғлимдан миннатдорман. Фурсатдан фойдаланиб, Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Жаҳонгиримни, дўстларини, сафдошларини чин кўнглимдан қутлайман.

Мунаввар опа чегарада сергак туриб, Ватанимиз сарҳадларини қўриқлаётган ўғлининг хатларини кўзига суриб ўқийди. Бу мактубларни ўқиб, менинг ҳам кўнглим ёришиб кетди. Улардан айрим сатрларни газетхонларга ҳавола этишни лозим топдим:

«Ассалому-алайкум меҳрибонларим онажон, отажон! Юборган хатингизни олдим. Сизларни жуда соғинганман, уйимизни, кўчаларимизни, ҳовлидаги ҳар туп дарахтимизгача соғинганман...»

«...Тошкентдаги янгиликларни газетадан ўқиб тураман. Навоий кўчасида замонавий тураржой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилибди. Азиз онажон, уларни албатта, бориб кўринг. Кейин менга таассуротларингизни ёзиб юборинг...»

«Бу ерда ҳаммага фойдам тегяпти. Электрик ҳунарини эгаллаб тўғри қилган эканман. Бу касб ҳарбий хизматда ҳам жуда қўл келяпти. Спорт билан шуғулланишни давом эттиряпман. Сафдош дўстларим ҳам ўзлари истаган спорт тури билан шуғулланишади. Мусобақаларда қатнашяпмиз...»

«...Ўткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» китобини ўқиб жуда таъсирландим. Одам баъзан ёнидаги яқинларининг қадрига етмас экан-да. Китобни ўқиб, сиз меҳрибонларимни янада қаттиқ яхши кўриб кетдим... Онажон, она сўзи билан Ватан сўзи нега ёнма-ён ёзилишини энди чуқурроқ англагандекман. Ватан – бу Сиз, Ватан – бу отам, Ватан – бу мунисам Севинч...»

«...Ҳарбий қисм боғидаги ўриклар ғарқ пишган. Мен шу дарахтни юртимизга ўхшатаман... Эрта баҳорда чиройли гуллаб кўзларни қувонтиради, меваси жуда тотли, кузги япроқларида минг хил ранг жилва қилади. Қаҳратонни писанд этмайди...»

— «Севимли жияним Севинч, Зиёда билан уришмаяпсанми? Мени алдама. Бу ерда баланд минора бор. Ўшанга чиқиб, дурбиндан қараб, сени кузатиб турибман... Мактабга бораётганинг билан табриклайман...»

Суҳбатимиз якунида аскар онаси — Мунаввар опа ўзининг дил сўзларини шеърий мисраларда баён этди:

**Жонимнинг жавҳари жону жаҳоним,**
**Айёминг муборак аскар ўғлоним...**

**Инобат ИБРОҲИМОВА,**
**«Ватанпарвар» газетаси мухбири**



Мутолаа.

# Янги рукн: АДАБИЙ ЖАРАЁН: МУАММО ВА МУЛОҲАЗАЛАР

**Адабий жараён айни пайтда барча адабий тур ва жанрларда яратилаётган асарлар, уларнинг асосли, холис таҳлили ҳамда талқинларини, бўй кўрсатаётган янгича изланишлар, ўзгаришлар таъриф-тавсифи, шарҳ-изоҳларини ўз ичига қамраб олади. Мазкур жараённинг долзарб мавзулари, муаммолари ижодкорлар қатори мунаққид ва адабиётшуносларнинг фикр-мулоҳазаларида, тадқиқот ва суҳбатларида акс этади, объектив ечимини топади.**

**Бугунги адабий жараённинг турли хил фикрлар, қарашларга туртки бераётган натижалари борасида адабий жамоатчиликни, кенг китобхонлар оммасини изчил хабардор қилиб бориш мақсадида янги — "Адабий жараён: муаммо ва мулоҳазалар" рукнини очдик.**

**"Жаҳон адабиёти" журнали бош муҳаррири, адабиётшунос олим Шуҳрат РИЗАЕВ адабий танқид, ижодкор шахси, ижодий муҳит, драматургия муаммолари ва таржима масалаларига доир фикр-мулоҳазалари баён этилган қуйидаги суҳбати билан янги рукндаги чиқишларни бошлаб беради.**

## ЮКСАК МАҲОРАТ — АСОСИЙ МЕЗОН

**— Ўтган йигирма йил мобайнида бошқа соҳаларда бўлгани каби адабиётимизда ҳам туб ўзгаришлар, янгиланишлар бўй кўрсатгани сир эмас. Бу жараён бугунги кунда ҳам тез ва изчил давом этаётир. Адабий жараён билан қадам-бақадам юриш, янгиликларни ўз вақтида илғаш ва таҳлил этишга танқидчилигимиз улгура олаяптими?**

— XX асрнинг охири ва XXI аср бошлари ўзбек адабиёти ҳақида гапирилганда, энг аввало, тамомила янги сифат ўзгаришига юз бурган, тўла маънода ислоҳ этилган адабиёт борасида фикр юритилади. Бу, албатта, биринчи навбатда ғоявий-мазмуний ўзгариш билан боғлиқ. Чунки биз узоқ йиллар орзу қилган ва асарларимизнинг таг-қатламларида қай даражада айтиб, ўқувчига сездиришга уринган ҳақиқатлар шу даврга келиб воқеликка айланди. Яқин ўтмишда гоҳи таъма ва манфаат илинжида тараннум этилган шўро мафкураси ғоялари тамомила инкор этилди ва тафаккуримиздан ўчирила бошланди. Натижада сунъий ғов билан тўсилган жўшқин дарё тўғонни бузиб, ўзанларига сиғмай, тўлиб-тошиб оққани каби бадиий ижод дунёсида ҳам сон жиҳатдан кўп, турли-туман асарлар пайдо бўлди. Албатта, улар орасидан яхши-ёмонини ажратиб олиш анчагина мураккаб кечди. Лекин шунга қарамай, бу жараённи табиий ва ижобий ҳодиса сифатида қабул қилиш керак. Йўқдан бор этгунча, кўпидан саралаган маъқулроқ. Бинобарин, шундай катта эпкин олдида адабиётшунослик ва танқидчиликнинг ҳам даврга мослашиб олиши бироз қийин кечишини табиий ҳолат сифатида баҳолаш керак.

**— Замонавий ўзбек адабиётшунослиги қандай бўлиши керак? Бу борада мунаққидларимиз баҳоли қудрат ўз мулоҳазаларини баён қилиб келмоқдалар. Бироқ негадир янги адабиётшунослигимиз мезонлари тўғрисида жиддийроқ фикр-мулоҳазалар кам. Бу мезонлар қандай манбаларга ва қоидаларга асосланиши лозим, деб ўйлайсиз?**

— Янги адабиётшунослик мезонлари ҳақида сўзлайдиган бўлсак, бир қатор олимларимизнинг сўнгги пайтларда эълон қилинган китоб ва мақолалари ҳамда матбуотдаги чиқишларини эслатиб ўтиш кифоя. У.Норматов, А.Расулов, Н.Раҳимжонов, Б.Назаров, Қ.Йўлдошев, Ҳ.Болтабоев, Қ.Қаҳрамонов, С.Мелиев, Д.Қуронов, А.Улуғов, Б.Каримов, У.Жўрақулов ва бошқа адабиётшуносларнинг тадқиқотларида замонавий ўзбек адабиётшунослиги учун зарур мезонлар ва ҳодисалар ҳақида кўплаб фикрлар айтилди. Тан олиш керак, ҳозирги пайтда жаҳон адабиётшунослик илми назарий-эстетик мезонлар борасида кўпгина янгича концепцияларни таклиф этмоқда. Улар билан қадам-бақадам юриш учун муайян маълумотлар жамламасига эга бўлмоқ лозим. Бизда, афсуски, ана шу махсус маълумотлар базаси ҳали тўлиқ шакллангани йўқ. Назаримда, биз шу пайтгача Ғарб антик дунёсидан ва Шарқ мумтоз адабиётшунослигидан бошлаб ўрганган барча билимлар, назарий қарашлар, амалий таҳлил усул ва услубларига жаҳон эстетик илми илгари сураётган энг сўнгги мезон ва ёндашувларни ҳам уйғунлаштириб ўзлаштирсак, шу билан бирга унга ўз адабиётимиз ва адабиётшунослигимиз тажрибаларини ҳам қўша билсак, айни хос томонларини назарда тутиб энг янги мезонларни ишлаб чиқсак, шунда соҳага оид кемтикликни тўлдирган бўламиз.

**— Миллий менталитет тушунчаси ижодкор асарларида қай даражада аҳамият касб этади?**

— Муайян миллатга мансуб ижодкорнинг асарида муайян даражада миллий хусусиятлар акс этиши муқаррар. Қайси миллатга мансублиги ёки қайси халқ орасида шаклланиб, қандай ижтимоий-маънавий муҳитда тарбия топганига қараб ёзувчининг асарларида сиз айтган жиҳатларни, албатта, сезиш мумкин. Дейлик, бир маконда туғилиб, бутунлай бошқа бир заминда ва жамиятда шаклланган ижодкорда унисига ҳам, бунисига ҳам тегишли хусусиятлар акс этиши мумкин. Масалан, рус ва инглиз адиби ҳисобланадиган Владимир Набоков рус муҳитида ўспирин пайтлари шаклланиб, умрининг асосий қисмини Европа ва Америкада ўтказди, рус ва инглиз тилида ижод қилди. Уни олимлар рус ва инглиз тасаввури, фикрлаш тарзининг ғаройиб омухталиги сифатида таҳлил ва талқин этадилар. Кимлардир уни рус тилини "расво" қилганликда айбласа, кимдир ўзига хос феномен дейди. Бинобарин, ҳақиқат шуки, В.Набоков икки миллий маданиятнинг қоришиқ маҳсули. Бироқ синчи-танқидчилар худди томография усулини қўллагандек, унинг романлари таҳлилида қаерда рус, қаерда америкаликнинг табиати бўй кўрсатиб турганини аниқ айтиб, асослаб берадилар. Демак, муайян ижодкорни, ижодидан келиб чиқиб, бирор-бир миллат ё элатга мансублигини айтса бўлади. Аммо қачонки ижодкор ўз қобиғидан юксалиб, умумбашарий, маданий-маърифий хазинадан баҳраманд бўлса ва уни ўз асарларида муштарак этолса, шундагина у ҳам миллийлик, ҳам умуминсонийликни уйғунликда намоён қила билади. Яна бир мисол. Тоғай Мурод 70-80 йилларда адабиётимизда соф миллий характерларнинг, миллий қадриятларнинг ва бадиий тилнинг ниҳоятда оҳорли, ўзига хос бир шаклини таклиф этди. Бу асарлар ҳар қанча миллий бўлмасин, уларда умуминсоний ғоялар, қаерда яшашидан қатъий назар, барча учун бирдек аҳамиятли масалалар қаламга олинди. Демоқчиманки, ҳар қандай миллий менталитетга хос жиҳатлар умуминсоний миқёс касб этмас экан, узоқ умр кўра олмайди.

**— "Танқид адабиётни олға сурадиган куч бўлиши билан бирга ёшлар учун мактаб вазифасини ўтайди. Афсуски, ёшларимиз ана шу катта мактабдан маҳрум". Абдулла Қаҳҳор "Ёшлар билан суҳбат" китобида таъкидлаб ўтган бу мулоҳаза бугунги кунда ҳам ўринлидир десак, янглишмаган бўламиз. Зеро, ёш ижодкорлар билан суҳбатларимизда улар жиддий эътибор ва холис эътироф асосидаги адабий муҳитнинг етишмаётганини таъкидлашади. Адабий назоратни, адабий муҳит талабларини янада кучайтириш, устоз-шогирд анъанасини мустаҳкамлаш учун нималар қилиш керак, деб ўйлайсиз?**

— Абдулла Қаҳҳорнинг танқид ва ёшлар хусусидаги фикрлари, ҳақиқатдан ҳам, бугунги кунда долзарблигини йўқотмаган. Чунки танқид ва танқидчилик касби, асосан, истак ва ташаббуснинг натижаси сифатида яшаб турибди. Ваҳоланки, бу соҳа ўзига хос бир йўналиш ўлароқ профессионал ёндашув ва бевосита профессионал кадрларни талаб қилади. Бирон-бир асар ҳақида унинг муаллифи билан таниш-билишлиги, дўст-душманлиги сабаб мақтаб ёки ёмонлаб ёзиш — бу умуман асл танқидчиликка бегона ҳолатдир. Афсуски, бу ҳолат меъёрга айланиб, илдиз отиб бормоқда. Ёш ижодкорларнинг ўзлари учун адабий муҳитнинг етишмаётганини ҳақидаги фикрлари тўғри эмас. Балки уларни асарларига танқидчиларнинг эътиборсизлиги ташвишлантираётган бўлса, буни фақат муҳит етишмаётганлиги билан изоҳлаш тўғри бўлмайди. Мунтазам ўтказилаётган ёш ижодкорларнинг семинарлари, Ёзувчилар уюшмаси қошидаги тўгараклар, дастлабки китоблар ва уларнинг тақдимоти билан боғлиқ тадбирлар — буларнинг барчаси адабий муҳит эмасми?! Дўрмондаги ижод уйи йил-ўн икки ой ҳаваскор ижодкорлар учун эшикларни ланг очиб қўйибди. Уюшма ҳузурида ишлаётган 8 та ижодий кенгаш ўз режаларида ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Лекин масаланинг бошқа бир жиҳати ҳам бор. Ёшларнинг "чиллаки" тўпламлари ҳали маромига етмасидан, китоб бўлиб чиқаяпти. Мактаб болалари "иккита, учтагача китоб муаллифиман", деб кўкрак кериб юргани ҳам ёлғон эмас. Лекин буларнинг барчаси ўзи йўқ талантни бор қилиб, кимгадир росмана ҳусн бағишлай олмайди. Пуфак, ҳар қанча шиширманг, охир-оқибат ёрилади. Ҳақиқий зар эса минг йиллаб тупроқ остида ётганида ҳам зарлигича қолиб, бир сидра артсанг, кўзни қамаштиргувчи жозибасини намоён этади.



**— Яқинда таниқли шоира Ҳалима Аҳмедова билан бугунги кун драмаси ҳақида суҳбатлашиб қолдик. Ҳалима опа янги драма ёзганлигини, бироқ уни театрда қабул қилишмаганини айтди. Бундай мураккаб, бошдан-охир фалсафага асосланган асар билан театр биносини тўлдириб бўлмас экан. Фақат маиший мавзуларга ўралашиб, томошабиннинг дидини ўтмаслаштириб қўймаяпмизми?**

— Театр шундай санъат йўналишики, саҳнада хоҳ тарихий воқеа, хоҳ замонавийлик акс этишидан қатъий назар, бу кўз ўнгингизда намоён бўлади. Биз театрда тарихий асарларни томоша қилар эканмиз, уни фақат маълумот олишдек маърифий миссиясига кўра қадрламаймиз. Аксинча, муайян тарихий воқеа асосидаги спектакл қай бир ғоявий-бадиий жиҳатлари билан шу кунимизга хизмат қилаётганини ҳис этиб турамиз. Худди шундай замонавий асар ҳам, агар талқин ва бадиий таҳлиллар бугунги кун кайфиятини акс эттирмаса, демак замонавий асар деган таърифдан йироқ. Драманинг обҳавоси эскирган эмас, соҳада юксак профессионалларнинг тақчиллиги мавжуд, холос. Нопрофессионаллик маиший мавзуларга ўралашиб, томошабинни енгил-елпи йўл билан ўзига жалб этиш ниқобига ўранган.

Истеъдодли шоира Ҳалима Аҳмедованинг янги драмаси ҳақида эса (янглишмасам, бу унинг илк пиесаси), уни ўқиган бир мутахассис сифатида айтишим мумкинки, унинг асари драматургик малака нуқтаи назаридан унча тайёр эмас. Ҳар қандай мавзуни, соддами-мураккабми, санъат асарига айлантириш, саҳна ёки экранга олиб чиқиш мумкин. Фақат бу мавзуни ёки муайян қаҳрамонни маиший қобиқда қолдирмай, юксак ижтимоий зарур ҳодисага айлантира билиш лозим. Яна бир муҳим гап. Балки энг муҳими ҳам шудир, драма бу ҳаракат дегани – жисмоний, руҳий, шуурий... ва ҳоказо. Сўз, бадиий сўз ҳаракатга асосланиши, аниқроғи, ҳаракатдаги сўз бўлиши лозим. Кўпчилигимизда фикр диалогларда ифодаланса, ана шу драма асари дегани бўлади, қабилида саёз тасаввур бор. Жонли сўз, ифода муайян ҳаракат содир этилиши учун восита. Нима учун Софокл, Шекспир, Чехов, Ҳамза каби драматургларни истаган пайтда, исталган талқинда саҳналаштириш имконияти бор. Бу уларнинг асарларида инсоннинг мураккаб ҳаёти, руҳий олами билан боғлиқ масалаларнинг жонли ҳаракатдаги юксак бадиий ифодаси топилганлиги билан изоҳланади.

Қизиғи шундаки, бу асарларнинг барчасида айнан маиший мавзулар қаламга олинади. Аммо ҳеч ким уларнинг ушбу мавзуда эканига аҳамият бермайди. Чунки улар севги, хиёнат, садоқат, рашк, олижаноблик, фидойилик, сотқинлик... каби одатий инсоний фазилат ва қусурларни шунчаки енгил-елпи кўрсатмай, аксинча, бор моҳияти, туб илдизи, миқёси, ижтимоий юки билан салмоқдор ҳодиса даражасига кўтара оладилар. Яна бир фикр. Бугун ўзбек театрида режиссура масаласининг анчайин тақчиллиги билиниб қолаяпти. "Ўзбектеатр" бирлашмаси бу нарсани англаб, ёш истеъдодларни юзага чиқаришга астойдил уринаяпти. Аммо ҳозирча муаммо ҳал бўлди, деб айта олмаймиз. Демоқчиманки, режиссурадаги тақчиллик туфайли саҳна асарларимизнинг аксарияти юксак бадиий даражага кўтарила олмаяпти. Режиссёр, драматург ҳамкорлиги ҳозирда ҳар қачонгидан долзарб бўлиб турибди.

**— "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида Абдуқаюм Йўлдошевнинг "Адабий инновация эҳтиёжи" сарлавҳали мақоласи чоп этилди. Муаллиф фикрича, адабий инновация ривожланмагани боис ўзбек адабиётининг мана ман деган асарлари жаҳон адабиёти майдонига чиқа олмаётган экан...**

— Адабий инновация масаласи янги даврнинг энг янги ва ниҳоятда муҳим талабларидан бири. Узоққа бормай, сўнгги 20 йил оралиғида яратилган асарларимиздан энг сараларини ажратиб, турли етакчи хориж тилларига таржима қилиб (албатта, бадиий таржима назарда тутилади), дунёга чиқара билсак, ўзбек адабиётига муносабат ҳозиргига қараганда анчагина яхши томонга ўзгариши мумкин. Бугунги адабиётимиз хоҳ прозада, хоҳ шеърият ёки яна бошқа жанрларда бўлсин, жаҳонга чиқишга арзигулик намуналарини бермоқда. Ёзувчилар уюшмасида мана шу масалаларни ҳал этиш учун жанр йўналишлари бўйича ижодий кенгашлар томонидан антологиялар тайёрланяпти. Ана шу антологияларни хорижий тилларга таржима қилиб, дунёга тарқатиш учун уюшмада муайян тадбирлар режалаштирилаяпти. Бу, албатта, келгусида самара берса ажаб эмас. Бинобарин, мазкур антологияларга кирган ижодкорлар профессионаллар сифатида Ёзувчилар уюшмасининг мингга яқин аъзолари орасидан саралаб олинган.

Ўзбек адабиётини юксак бадиий таржималар орқали дунёга олиб чиқиш ниҳоятда катта ташкилий-амалий жараённи талаб этади. Данте, Шекспир, Гёте, Пушкин асарларини таржима қилиб, дунёга ёйиш бўйича махсус ташкилотлар ишлайди, катта-катта маблағлар сарфланади. Бизда ҳам ана шундай ташкилий-амалий жараён учун дастлабки қадамлар ташланяпти. Яъни Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги "Ижод" фондининг асосий вазифаларидан бири мана шу мақсадларга йўналтирилган. Лекин буни ақл билан оқилона ташкил этиш — мана бу муҳимлардан муҳимроқ вазифа. Ўйлайманки, вақти билан биз бу йўналишда маълум бир самараларга эришамиз.

**Мухтасар ТОЖИМАМАТОВА суҳбатлашди.**

# Янги рукн: МУТОЛАА

**Китоб мутолааси ўқувчига фақат завқли ва ҳаяжонли дамларни туҳфа этмайди. Мутолаа, шунингдек, изчил фикрлаш, саволлар ва уларга жавоб излаш, тушунишга уриниш, мулоҳаза юритиш, муносабат билдириш каби онгли-руҳий меҳнат жараёни ҳамдир. Аслида китобхонлик мана шундай ҳолат ва ҳаракатлар туфайли аҳамиятли ҳамда самарали машғулот саналади. Фақат таассуротлар билан, воқеалар баёнидан хабардор бўлиш билан қаноатланилган китобхонликни чинакам мутолаа, деб бўлмайди.**

**Янги — "Мутолаа" рукнимизда ўзбек ва жаҳон адабиёти мумтоз намуналари, юксак савиядаги замонавий асарлар мутолааси жараёнида туғилган фикр-ўйлар, савол ва мушоҳадалар, мулоҳазалар, хуллас, китоб билан ақлий меҳнат уйғунлигининг холис, самимий ва тиниқ ифодаларини бериб боришни назарда тутганмиз.**

## "УЛИСС САРГУЗАШТЛАРИ"НИ ЎҚИБ...

Ирланд адиби Ж.Жойснинг "Улисс саргузаштлари" романини ўқидим. Асарни тушунишга ҳаракат қилаяпман.

Назаримда, роман қаҳрамонларидан бири Бак Маллиганнинг гаплари, ҳаракатларида ўзини юнон тангриларига ўхшатишга уриниш бор.

"Ойпараст" сўзининг "ойжинни"(12-бет) дея ўгирилиши ғалатироқ туюлди.

Китобда ўхшатишнинг тамоман янги хиллари бор. Уларда ранг, ҳид, таъм образ касб этади.

Асарни ўқиш асносида ҳеч қандай ҳиссий эмоциал ҳолатни туймаяпман. Димоғимга нам, ним қоронғу хона ҳиди уриляпти. Асарда негадир ҳидлар муҳим образ саналади. Романдаги ҳидларни алоҳида ўрганиш керакка ўхшайди.

Образларда ҳид бор. Атиргул бутаси ҳидини, нам кул ҳидини Стивеннинг онасига нисбатан туясан. Асарда ҳар бир буюм, кийим-кечак ва нарсаларда кирланганлик ҳолати тасвирланган.

Бахши образи мени ўзига тортяпти.

Қаҳрамонлар ҳатто ойнага ёпишиб қолган нарсаларга ҳам эътибор беради. Хизматкор Урсула образи Г.Маркес яратган Урсула образини эслатади. Бу образларнинг ҳар иккаласи ўзини пок сақлашга уринади.

Дарз кетган ойна — ирланд санъати рамзи. Шуни кенгроқ англасам эди.

Ахлоқда тўкисликка интилган ҳар бир персонаж ҳаракатида камчилик, нуқсон бор.

Монологлар...

Малиганнинг: "Мен фақат фикр ва сезимларни эслаб қоламан", деган гапи ўйлантириб қўйди.

Болаларнинг кўйлакларига ўрнашиб қолган қумурсқаларни босиб ўлдирган нозик тирноқларда қотган доғлар кишида ғалати ҳис уйғотади.

Стивенни онаси билан боғлиқ муаммолар қийнайди. Уларнинг айнан нималар эканлигини билгим келади.

"Қовурилган ёғ" жумласи (22-бет) ўрнига тушмагандек.

"Опоқи" сўзини (25-бет) қўллаш мумкинмикан?

"Ипак сигир" — қизиқ рамз.

"Бошпанасиз ғариба" — мангу мавжудликнинг ўзгармас нусхасими?

Маллиган кампирнинг, умуман, ҳамманинг устидан кулади. Нега?

Асар қаҳрамонлари ўзларини Ирландия қаҳрамонлари деб биладилару, бироқ бемаъни нарсалардан ортмайдилар.

**Абдукамол АБДУЖАЛИЛОВ, ЎзМУ талабаси**

# ОЗОД СЎЗ ЙЎЛИ

**Бундан йигирма икки йил аввал Озод сўз мураккаб ва шарафли йўлга чиқди. Бу йўлнинг мураккаблиги шундаки, у асрлар оша орзу этилгани билан ҳали ўтилмаган эди. Истиқлол шоири Абдулҳамид Чўлпон "Ҳақ йўли бир ўтилғуси" дея башорат қилганди. Мана, ниҳоят Озод сўз ўзини, ўзлигини ва келажагини сақлаб қолиш учун мустақил йўлга чиқди. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов томонидан "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" дея айтилган даъват мустақил адабиёт келажаги ҳақида дастурий йўлланма бўлди. Биз муқаддас деб билган Озод сўз мустақиллик йўлидан илгарилаб бормоқда.**

Сўнгги йиллар давомида ўзбек насри залворли, салмоқли асарларга эришди, шеърият янги чўққилар сари кўтарилди, драматургияда замоннинг шиддатини акс эттирувчи саҳна асарлари яратилди, бадиий адабиётнинг ҳар бир турида синкретик, ўзаро уйғун жанрларнинг диффузияланиши ҳодисалари юз берди. Буларнинг барчаси даврнинг барометри ҳисобланган адабий танқидда, адабиётшунослик асарларида ўз аксини топмоқда. Адабий танқид бадиий асарларнинг узоқ яшаб қолиши учун уларни талқин ва таҳлил қилиб, замонлар оша китобхонларга етказиб туришга масъулдир.

Адабиётшуносликнинг ҳар бир соҳаси, жумладан, адабий танқид ва адабиёт назарияси, адабиёт тарихи ва матншунослик ўз зиммасига муайян илмий ва эстетик, маънавий ва ижтимоий юк ортган. Адабий танқиднинг зиммасидаги юк бошқа соҳалардагига нисбатан маънавий жиҳатдан ҳам, эстетик жиҳатдан ҳам қадрли. Чунки у янгигина ёзилиб, китобхонлар эътиборига тушиб улгурмаган асарлар билан иш кўради, янги истеъдодни ғунча ҳолида ҳаммадан бурун кўради, яратилаётган асарларга баҳо бериб, ёзувчи ва китобхон ўртасига маънавий кўприк ҳозирлайди. Шунинг учун ҳам танқидчиликка нисбатан "адабий жараён барометри", "ҳам санъат, ҳам ҳикмат", "ёзувчи ва китобхоннинг дўсти" каби нисбалар қўлланилади. Мунаққид истеъдоди ва унинг танқидчиликдаги маҳорати хусусида сўз кетганда, мана шу икки қутб (адиб — китобхон) ўртасидаги фаолият кўпроқ эътиборга олинади. Гарчи ҳам ҳикмат илмини, ҳам санъат сеҳрини ўзлаштирган мунаққидлар нисбатан камчиликни ташкил қилса-да, ўзбек танқидчилигининг мустақиллик давридаги тараққиёт йўлини кузатганда ҳар бир мунаққиднинг ўрни кундай равшан кўринади.

Миллий танқидчиликнинг салкам юз йиллик умрини сарҳисоб қилганда, унинг тамал тошини қўйган Беҳбудий ва Фитрат, Чўлпон ва Вадуд Маҳмуд фаолиятини ёдга олиш баробарида Озод Шарафиддиновнинг публицистик талқин услуби, «эпик мунаққид» Матёқуб Қўшжоновнинг таҳлилий йўсини, Умарали Норматовнинг ҳиссий-импрессив талқин усули, Наим Каримовнинг бадиий асарга шоирона синкретик муносабати, Иброҳим Ғафуровнинг фалсафий талқинларга бой қарашлари, Абдуғафур Расуловнинг синчков нигоҳи, Бахтиёр Назаровнинг танқид тарихини тиклашдаги изчил ҳаракати кабилар қаторида адабий-танқидий жараёндан ўрин олган бошқа ўнлаб мунаққидлар фаолиятини ҳам эсламаслик мумкин эмас.

Адабий танқид сўнгги йилларда проблематик мақола ва очерклар, ижодий портрет ва эсселар, талқин ва тақризлар билан иш кўргани маълум. Ўтган йили чоп этилган юздан ортиқ мақола ва тақризларни қайд этиш имконияти бўлмаса ҳам айни йилда чоп қилинган мақолалар тўпламлари орасида Н.Каримовнинг "Адабиёт ва тарихий жараён" китоби қатағон даври адабий сиймолари қисматига бағишлангани билан эътиборли эканини таъкидлаш жоиз.

Адабий-танқидий мақолалар билан бир қаторда назарий масалалар таҳлилига бағишланган, бадиий асарни санъатнинг бир тури сифатида тушунадиган ва санъат асарини юксак поэтика талаблари билан боғлайдиган дарслик ва монографияларга ҳар доим эҳтиёж бор. Ана шу эҳтиёжни қондириш мақсадида академик Б.Назаров раҳбарлигидаги муаллифлар гуруҳи томонидан тайёрланган "Ўзбек адабий танқиди тарихи" дарслигини алоҳида эътироф этиш лозим. Н.Раҳимжоновнинг "Истиқлол ва бугунги адабиёт" монографиясида Истиқлол даври адабиёти таҳлилга тортилган.

Танқидчиликда адабий портрет яратиш, қаламга олинаётган ижодкорнинг адабий қиёфасини кўрсатиб бериш, асарларидан ижодкор шахсини топиб, худди бадиий характер каби тўлақонли акс эттира олиш ҳамма мунаққидларга ҳам насиб қилавермайди. Ўтган йили яратилган бир қатор, жумладан, академик А.Қаюмовнинг ўзбек олим ва адибларидан етишиб чиққан академиклар хусусидаги, Н.Каримовнинг Миртемир шахси ва ижодига бағишланган китоблари адабий портрет жанри йўналишдадир. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Х.Тўхтабоев ҳақидаги "Дунёга танилган адиб" мақолалар тўплами, У.Норматовнинг "Саргузашт сардори", А.Расуловнинг "Ғаройиб салтанат" китоблари нашр этилди. Мунаққид А.Алимбековнинг "Юлдузнинг беш қирраси" портретида шоир ва адиб Муҳаммад Алининг ижод йўли кузатилди. Бундан ташқари, адабий жараённинг айрим масалалари, хусусан, бадиий асарларнинг яратилиш тарихи, унинг замиридаги адиб назарда тутган сир-синоат, бадиият қирралари кўплаб ижодий суҳбатларда очилди. Қолаверса, адабий суҳбатлар ўзбек танқидчилиги имкониятларини кенгайтирмоқда, истеъдодли адибларни ўз ижоди ҳақида суҳбатга тортиб, бадиий асарларнинг китобхонга номаълум жиҳатларини очишга эътибор қаратиш натижасида мазкур асар ёки адибнинг китобхонлар томонидан қабул қилиниши енгиллаштирилмоқда.

### Янги йил ўйлари

Мунаққид ва адабиётшуносларимиз жаҳон адабиётидаги етакчи бадиий тизим ва қарашлар, услубий оқим ва шакл изланишларига бефарқ эмас. Илғор қараш ва тажрибалар ўрганилаётир, уларга уйғун тарзда ёзилаётган бадиий асарларимиз қиёсий таҳлил этилаётир. Жаҳон адабиётидаги етакчи тенденциялар М.Холбековнинг "XX аср модерн адабиёти манзаралари" китобида акс этган бўлса, Н.Сиздикбоевнинг "XX асрнинг иккинчи ярми адабиётида бадиий неомифологизм" китобида ўзбек романнавислари ижоди Марказий Осиё адабиётлари аспектида қиёсий таҳлилга тортилган.

Тўғри, адабий танқиднинг кейинги йиллардаги фаолияти текис ва равон кечгани йўқ, адабий жараёнда из қолдирган, миллатнинг маънавий хазинасидан жой олган барча гўзал асарлар ҳам танқидчилик томонидан таҳлил этилиб улгурилгани йўқ. Лекин энди жиддий ва ҳақ йўлига чиқа бошлаган миллий танқидчилигимиз ҳақида "Танқид ўлди", "Танқидчилар нега жим?" қабилидаги ноилмий хулосалар қилишга шошилмаслигимиз керак. Ҳозирги глобаллашув даврида мунаққид масъулиятини ҳеч бир камайтирмай айтиш мумкинки, танқид миллий адабиётдаги асосий тенденцияларни илғаб олиши, адабиётнинг келажагига асқотадиган бадиий тажриба ва янгиликларни оммалаштириши, ижодкорнинг жамият олдидаги бурчини бажаришига кўмаклашиши зарур.

Ёзувчилар уюшмаси қошидаги Танқид ва адабиётшунослик кенгаши ўтган йил давомида бир қатор қўлёзмаларни муҳокамадан ўтказдики, улар кейинги йилда чоп этилиш арафасида турибди. "Адабий танқид ва адабиётшунослик" антологиясида Истиқлол даврида фаол ижод билан шуғулланган ўттиздан зиёд муаллифнинг мақолалари жамланган. Танқидчи Умарали Норматовнинг "Абдулла Қаҳҳор: шижоат ва маҳорат", Улуғбек Ҳамдамовнинг "Янги ўзбек шеърияти" монографиялари, Отаули(Раҳимжон Отаев)нинг "Халқнинг ўлмас руҳи" адабий-танқидий мақолалар тўплами шулар сирасидан.

Озод сўз катта йўлга чиқди. Энди у мафкуранинг тор йўлакларида сиқилиб қолмайди, ё тирикчилик жинкўчаларида сарсон кезинмайди. Озод йўлни ўташи ва манзил(халқ қалби)га етиб бориши Озод сўз соҳибларининг истеъдодларига боғлиқ.

**Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Танқид ва адабиётшунослик кенгаши раиси**

Сирожиддин САЙЙИД, Ўзбекистон халқ шоири

# ЎЗ ОНАМДАН ЎРГАНДИМ МЕН ВАТАННИ



## БУЮК МУАЛЛИМ

Мен Ватанни ўрганмадим заридан,
Ўрганмадим уни ҳур ё паридан.
Кафтларининг чизиқлари – хати ҳам
Ажинлари бўлди менинг харитам.
Шу хатларда кўргандим илк Ватанни,
Ўз онамдан ўргандим мен Ватанни.

Меҳрлари қошу кўзлар бўлдилар,
Ою қуёш мисол юзлар бўлдилар.
Жисмим аро улғайдилар, тўлдилар,
Ватан янглиғ улуғ сўзлар бўлдилар.
Киприкларин остларида тургандим,
Мен Ватанни шу кўзлардан ўргандим.

Нокаслардан ўрганмадим мен уни,
Ёт каслардан ўрганмадим мен уни.
Ору қарздан ўргангандим мен уни,
Хору хасдан ўргангандим мен уни.
Ўзим кийик сўқмоғида юргандим,
Мен Ватанни сўқмоқлардан ўргандим.

Осмонлари бошим узра огоҳлар,
Гиёҳидан дилга олдим гиёҳлар,
Райҳонларин сиёҳидан сиёҳлар,
Булоқлардан кўзлар олдим, нигоҳлар.
Ўзим ҳам бир чечакларга бургандим,
Мен Ватанни гиёҳлардан ўргандим.

Менга азал азиз бўлган баридан,
Бешигимдан талпинган пайтларимдан,
Умр кўрган ҳар кексаю қаридан,
Меҳнатларин ёдлаб ўсдим бағридан.
Пайкалларин кокиллардай ўргандим,
Мен Ватанни эгатлардан ўргандим.

Ушоқ нонинг қадри минг элга маълум,
Дарс олдим мен сувлар ичган маҳалим.
Булбулларинг тилларида шу таълим,
Ўзинг устоз, ўзинг буюк муаллим.
Ҳикматлардан қургандим мен Ватанни,
Заҳматлардан ўргандим мен Ватанни.

## НАВОИЙНИНГ НАБИРАЛАРИ

Тирикликнинг бол, ширалари,
Бири улуғ, кичик бирлари,
Фахр этиб юргайдир бари,
Навоийнинг набиралари.

Ярқирайди тилло узукдек,
Шу узукка қўйилган кўздек.
Бири Бобур, бири Улуғбек –
Навоийнинг набиралари.

Кўркам бўю қадду қоматлар,
Кулса шундай кулар омадлар.
Чиқмасин ҳеч сиздан номардлар,
Навоийнинг набиралари.

Ўз кўнглида кўзлар Марсларни,
Гижинглатиб юрар "Мерс"ларни.
Қолдирмасин экан дарсларни,
Навоийнинг набиралари.

Чиннидай оқ дорилфунунлар,
Сизга – йиллар, сизга бу кунлар.
Илм ишқида бўлинг Мажнунлар,
Навоийнинг набиралари.

Қадим замон, Ҳақ замонидан,
Олтин чиққан олтин ёнидан,
Сиз ҳам ўшал олтин конидан,
Навоийнинг набиралари.

Интилсангиз – бир кун еттайсиз,
Манзилларга зиё элтгайсиз.
Фарҳод-Ширин бўлиб кеттайсиз,
Навоийнинг набиралари.

Куртак ёзар пайвандларингиз,
Унутманг ҳеч: дилбандларингиз,
Туғилажак фарзандларингиз –
Навоийнинг набиралари.

Ҳазрат бобо сўзни ўйлаган,
Қанча қошу кўзни ўйлаган.
Асли ул зот сизни ўйлаган,
Навоийнинг набиралари.

Эл-юрт омон, даврон саломат,
Яратгандан сизга каромат.
Ҳаёт ўзи айлар хушомад,
Навоийнинг набиралари.

Умр асли – насиб ё насиб,
Ҳар дилга бир гул мутаносиб.
Навоийга бўлсин муносиб,
Навоийнинг набиралари.

## ЖАМОЛИНГ ВАСФИНИ

*Атойи ғазалига мухаммас*

Сенингдек ҳур йўқ Чину Яманда,
Тишингдек дур йўқ мулки Аданда,
Дилоросан ҳусн отлиғ ватанда,
Жамолинг васфини қилдим чаманда,
Қизорди гул уёттин анжуманда.

Билур жон деб сенинг қатлингни кўнглум,
Қани кўрсайди бир адлингни кўнглум,
Кетибдур излабон васлингни кўнглум,
Таманно қилғали лаълингни кўнглум,
Киши билмас аниким, қолди қанда.

Гўзаллар ичра бир дурдона сенсен,
Азизсан менгаю бегона сенсен,
Дилу жоним аро пинҳона сенсен,
Чу жонимдин азиз жонона сенсен,
Керакмас жон манга сенсиз баданда.

Азобингдин манга ҳар дам фароғат,
Хаёлинг бирла қийналмоқ на роҳат,
Ҳамиша шод бўлгил ҳам саломат,
Манго ул дунёда жаннат на ҳожат,
Эшикинг тупроғи басдур кафанда.

Сенинг ишқинг мани айлабдур афсун,
Манга, ёр, лола жомидин қадаҳ сун,
Йўлингда лолалар айлаб саф унсун,
Солиб борма мени, эй Юсуфи ҳусн,
Букун Яъқубтек байтул-ҳазанда.

Азал наққоши нақш этганда гулни,
Лабингнинг ғунчасидин олмиш улни,
Қўйибсан бойлабон озода қулни,
Узун сочингдин узмасмен кўнгулни,
Аёғинг қанда бўлса, бошим анда.

Қаро ул қошларингнинг менга кекин
Қаро ул кўзларинг еткизса секин,
Кел, эй сарви равоним, аста келгин,
Тилар эл мансаби олий, валекин
Атойи сарви озодингға банда.

* * *

Кўзингни сени қаро яратди,
Жонимга менинг жафо яратди.

Умрим менинг икки "ё" producedир,
Қошингники икки "ё" яратди.

Берди сенга икки зулфу бир хол,
Бир жонима уч бало яратди.

Йўқдир менга ул давр ила даврон –
Сочинг билаки сабо яратди.

Сендин бул ибони берди гулга,
Гулдин сенга гул ҳаё яратди.

Дилнозу дилорому дилоро,
Бир дилбари дилрабо яратди.

Ер узра мени айлади туфроқ,
Кўк узра сени само яратди.

Бир оламу бир ер, бир осмон –
Бизни не учун жудо яратди?

Гарчи мени ишқ учун яратмиш,
"Чун ишқни ҳам Худо яратди"[1].

## ДАВРУ ЗАМОН

Давру замон мард зотларга
ўз нақшини солади,
Биз тарихда қолмасак ҳам,
тарих бизда қолади.

## СЎЗ ИЗИДАН

Сўз изидан энг охирги фарёдгача кеттайман,
Мажнунгача, тоғлардаги Фарҳодгача кеттайман.
Бу дунёда менинг шеърдан ўзга от-уловим йўқ,
Сўз изидан мен пиёда Ҳиротгача кеттайман.

## ҚОШУ КЎЗУ ХОЛУ ЗУЛФ

* * *

Қаро холинг ганжи узра
бул нечук каж даҳодир?
Қаро зулфинг қаро холга
қўйилган аждаҳодир.

* * *

Қошинг билан дил ораси
бир йилчалик йўлдир, гўзал,
Ишқу муҳаббат чораси
бир дилчалик йўлдир, гўзал.

* * *

Фалакким, ой юзингга
икки ёндин икки зулф этмиш,
Менинг кўнглим учун
ул икки зулфдин икки қулф этмиш.

* * *

Кийиккўз дилраболардин
мудом бағринг куюк бўлгай,
Кийикни тескарисидин
ўқисанг ҳам кийик бўлгай.

*1 Мавлоно Лутфий сатри*

# ҒАРОЙИБ ТЎЙ

Каримберди ТЎРАМУРОД



1

— Келин йўқ! Эшитаяпсизларми, келин ҳеч қаерда йўқ!

— Адолатнинг қизи қочиб кетибди!

2

Оналарининг қирқи чиққан кун эди.

Тўрт-беш чинни лагани, косалари, ўнтача чойнаги, йигирматача пиёласини бир тугунга тугиб кўтарди.

— Энам "Мен ўлсам чинниларим сенга қолади", деб васият қилган эди, — деди Адолат унинг ҳаракатига ҳайрон қараб турган укасига.

— «Энам васият қилган», деб энам тупроққа қўйилмай туриб ҳамма кийимларини олиб кетдингиз. Учи ўтиб тахмондаги гиламларни ҳам ташиб олдингиз. Энди эса, чинниларга ёпишдингиз, уялмайсизми, опа? Шу билан васият қилган нарсалари тугайдими ишқилиб? Энам "Укангнинг оиласига ҳам уч-тўртта чойнак-пиёла қолдир, унинг ҳам бола-чақаси бор, улар нимада чой ичишади, нимада овқат ейишади? Укангнинг болаларига ҳам инсоф қилгин, қизим", деб васият қилганлари йўқмиди, опа? — деди унинг қилиғидан ранжиган Диёрбек. — "Ақалли чети учган пиёлаларни ҳам қолдирмай олиб кет", деганмиди энамиз, опа?

— Деган, худди ана шундай деган, бўлдими? — деди Адолат лаби титраб. — Ана, тунука товоқлар билан алюмин кружкалар қолаяпти, шунисига ҳам шукур қил. Лекин бир келсам энамдан қолган пўлат қозонни ҳам олиб кетаман, эсингда турсин! Энам васият қилган...

Адолат кета-кетгунча нола қилиб кетди. Қарғаб кетди. Ер муштлаб кетди. Аччиғининг зўридан кўприкдан айланиб келишга ҳам сабри чидамай, суви камайиб қолган Тентаксойдан кечиб ўтиб кетди.

3

Жаласойликлар Адолатнинг бу нолаю фиғонларига кўп эътибор бериб ҳам ўтирмадилар.

— Ўзи шу Адолат қизлигида ҳам жуда шатта эди, — деди бир неча хотинлар билан суҳбатлашиб ўтирган Хосият момо. — Ҳалиям шатталиги қолмапти.

Адолатнинг шу хулқи сабаб бўлиб, уни келин қилишга Жаласойда бировнинг юраги бетламаган. Тентаксойнинг нариги бетидаги Сойгўзар қишлоғига келин бўлиб тушган эди.

4

— У ёқ-бу ёқни қаранглар, бутун бошли келин йўқолиб қолмас? Пешинда уйида экан. Бир ёққа чиқиб кетмагани аниқ. Дугоналарининг уйларини кўринглар!

Бутун қишлоқ оёққа турди. Келин бўлмишнинг барча дугоналариникини кўриб чиқишди, дугона эмасларнинг уйларини ҳам кўриб чиқишди. Келин йўқ!

5

Йигирма йил деганда ўртага одам қўя-одам қўя Диёрбек опаси билан ярашди. Ўша куни Диёрбекникида байрам бўлиб кетди. Қўй сўйилди. Қавму қариндошлар чақирилди. Боболарнинг дуоси олинди, момоларнинг дуоси олинди. Кўп яхши гаплар айтилди, чиройли тилаклар билдирилди.

— Мана шу жияним Ноилаойни ўғлим Ўктамжонга келин қилсак, нима дейсизлар? — деди Диёрбек қариндошларга.

— Жуда яхши бўлади, — деди Бердимурод оқсоқол. — Адолат Сойгўзарга тушувди, унинг ўрнига қизи қайтади.

— Опа, нима дейсиз? Ўктамим ҳам унча-бунча полвон йигит эмас, икки марта чемпион бўлган. Наврўздаги курашда "тобоқ"қа қўйилган "Нексия" машинасини ютиб олган, — деди Диёрбек. — Қиз берсангиз полвонга беринг-да, опа?

— Қизимни Ўктамингга берганим бўлсин! — деб юборди Адолат ҳам. — Шанба куни тўйни олиб бор, фотиҳа қиламиз. Аммо тўйни зўр қилиб олиб бор, опангнинг ҳам Сойгўзарда ўзига яраша дўст-душмани бор. Кўролмайдиганларим ҳасаддан ўлсин, дейман-да, Диёрбекжон!

— Бу ёғидан ғам еманг, опа!

6

— Ўлиб қолсам тегмайман ўша айиқполвонга!

Зебо дугонасининг бу гапидан ҳайрон бўлди.

— Ноила, бу нима деганинг? Ахир, аянг тоғанг билан эндигина ярашган бўлса, энди қуда-анда бўламиз деб туришганда сен бундай қилсанг, улар яна юз кўришмас бўлиб кетадилар-ку?

— Аям ҳам ўша куни қизиқ устида хўп деб юборган экан, кейин бир неча марта "Бекор қилибман, анави тоғангнинг эркатой хотинчаси сенга кун бермайди", деди.

— Нега фотиҳагача айтмадинг унда? Ахир, фотиҳа тўйларинг бўлди. Ҳалиям одамларнинг оғзидан тушмайди куёв тараф берган тўй, сарполарнинг таърифи.

— Сарполари бошини есин, нима, бошқага тегсам сарпо бермайдими?

— Беришга берар-у, бошқа деганинг Ўктам полвондай бўлармикан, Ноила? Кечагина "Тоғамнинг ўғли зўр полвон, туманда тенги йўқ", деб оғзингдан бол томиб мақтаётувдинг-ку?

— Шу полвонлиги учун ҳам тегмайман. Айиққа ўхшайди.

— Полвон йигитлар шунақа, ... бақувват бўлади-да, — деди Зебо ажабланиб. — Жон демайсанми шундай йигитга тегаётганингга. Бирорта пачақ болага тегсанг нима қилардинг?

— Ўзинг тегиб ола қол, шунча яхши бўлса ўша айиқполвон.

— Менга совчи қўйганида жон-жон деб тегиб олган бўлардим, — деди Зебо дилидагини яширмасдан. — Полвонларни яхши кўришимни биласан. Ўзим ҳам отам таъқиқлаб қўймагунича мактабдаги кураш тўгарагига қатнаганим эсингдадир? Қани эди, менга ҳам бирорта зўр полвон йигит уйланса-ю, полвон болаларнинг онаси бўлсам. Битта сиримни айтайми, полвонга тегсам еттита ўғил туғардим. Еттовиниям полвон қилардим. Етти полвон ўғлим билан фахрланиб, дунёдан беармон ўтардим. Болаларимнинг болалари ҳам полвон бўларди. Эссиз, шундай полвоннинг қадрига етмай айтиб ўтирган гапингни қара.

— Кечқурун мен билан учрашгани келади, бирга чиқ. Шу гапларингни ўзинг унга айтасан!

— Чиқаман ҳам, айтаман ҳам!

7

Зебо ростдан ҳам Ноила билан бирга чиқди.

Ўктам ҳам бир ўртоғи билан келган экан. У йигит билан Зебонинг гапи қовушмади. Нарироқда Ноилага гапираётган Ўктамга бир-икки зимдан кўз солди. "Адашдинг, полвон, адашдинг, бу сенинг тенгинг эмас. Ноила полвоннинг қадрини билармиди?" деб ўйлади ичида. Ноила унга ёлғондан ноз-фироқ қилаётганини кўриб ғаши келди.

— Ноила, ўзинг борарсан, мен кетдим!

Зебо бошқа бир сўз ҳам демади, унга гапирганларга ҳам қулоқ солмади, кетди-борди.

Ярим кечаси Ноила унинг деразасини чертди.

— Тегмасанг очиғини айтиб қўя қолмайсанми, тегмайман деб. Нима қиласан тегмайдиган одамингга нозланиб? — деди аччиқ билан Зебо Ноила ичкарига киргач. — Яна совғаларини ҳам қайтармасдан олдинг?

— Жўрттага қилдим, ажаб қилдим, — деди Ноила қошларини чимириб. — Сенинг унга ҳавас билан термулиб турганингни кўрганим учун шундай қилдим. Сени куйсин деб шундай қилдим, Зебо.

— Сен ўзи дўстмисан, душманмисан, Ноила? — ҳайратга тушди Зебо.

— Сен-чи, бировнинг куёвига суқланиб қарашга уялмаган сен дўстмисан, душманмисан?

— Сенга тушунмадим, — деди Зебо. — Гоҳ у ... айиқполвонга тегмайман деб уни ҳақорат қиласан, гоҳ уни қизғониб рашк қиласан. Ўзинг нимани исташингни олдин аниқлаб олсанг бўларди, дугонажон?

— Бу энди менинг ишим, сен аралашма. Аммо нимани хоҳлашимни билгинг келаётган бўлса билиб ол, гапим гап, ўша айиққа тегмайман. Тўй кунигача буни унга айтмайман ҳам. Аямга қилган ёмонликлари учун улар катта харажатга тушишларини истайман. Тўй куни ҳаммасини билади. Тўй куни мени топиб бўлибди.

— Жинни экансан, Ноила, — афсусланди Зебо. — Унутма, "Ким қилмағай, ким топмағай", дебдилар.

8

— Келин қочиб кетибди!

— Ноила қочиб кетибди!

Куёвнавкарлари билан келиб, чимилдиққа кирган куёв ташқаридан эшитилаётган гап-сўзларни эшитиб ўтирди. Ўртоқларига имо қилувди улар ҳам бирин-кетин чиқиб кетишиб, Ноилани ахтаришди. Ўктамнинг ёнида битта Зиёдулла полвон қолди, холос.

Икки соатча вақт ўтди.

— Ўктам, келин қочиб кетгани ростга ўхшайди, бундай ўтираверишимиз ўлим. Тур, кетдик!

— Келинсиз тўйхонага қандай кириб бораман, Зиёдулла? Келинсиз нима деб кириб борамиз?

— Келин бўлмаса нима қиласан? Тур, кетдик, дўстим! Қиз деганининг тухуми тиллодан эмас, полвон! Бу қиз қадрингни билмаган бўлса бундан минг марта чиройли қизлар полвонга жон-жон деб тегади, кетдик!

Ўктам чопонининг этагини силкиб ўрнидан турди.

Эшик олдида аммасига дуч келди.

— Амма, шунақа ниятларингиз бор экан, эртароқ айтмайсизларми? — деди Ўктам аммасига. — Мени ер билан битта қилдингиз-ку? Йигит бўлиб бирор даврадан бош эгиб чиқмаган эдим. Аммо бу гал бошим ёмон эгилди, амма, ёмон эгилди!

— Мен ҳам унинг ниятидан бехабарман, Ўктамжон, билмадим у ергина ютгур қай гўрда пусиб ўтирибди экан? Бироз шошма, келиб қолар, қишлоқдан чиққан эмас.

9

Ноиланинг қаерга беркинганини "Қани, нима томоша кўрсатар экан?", деб эрталабдан уни зимдан кузатган Зебо биларди. У ҳамма тўй ташвиши билан овора бўлиб қолганда кечга томон ҳеч кимга сездирмай қишлоқ пастидаги одамлар тандир учун қизил тупроқ кавлаб олавериб, ғорга айланган унгурга кириб кетганини кўрган эди. Табиийки, уни ғордан излаш ҳеч кимнинг эсига ҳам келмас эди. Зебо бир хаёли айтай ҳам деди, аммо "Қайтанга топилмагани яхши, барибир Ноила бу полвонга муносиб хотин бўлолмайди, уни бахтли қилолмайди, баттар бўлсин", деб айтмади. Лекин барибир одамлар уни тополмай асабийлашаётганини кўриб, полвон йигит келинсиз чиқиб кетса юзи шувит бўлишини ўйлаб, Ноиланинг қаердалигини айтишга қарор қилди ва чимилдиқ илинган уйга қараб йўл олди. Аммо ана шунда кутилмаган воқеа содир бўлди.

Аламдан юзлари бўғриққан куёв ичкаридан отилиб чиқди ва "Энди нима бўлар экан?" деб тўпланиб турган юзлаб одамларга баланд овозда гапира бошлади:

— Ўв, биродарлар! Полвоннинг мулзам бўлгани — ўлгани! Мен бугун Сойгўзарга куёв бўламан деб келганман. Уйимда тўй бўлиб ётибди. Тўйхона тўла одам. Бўлар иш бўлди, аммамизнинг қизи хоҳламаса тегмасин. Энди битта гапни айтаман, жон қулоғингиз билан эшитинг. Полвоннинг гапи битта бўлади, мен келинсиз бормайман тўйхонага. Сойгўзарда менга қизини берадиган битта мард борми? Ким менга қизини берса, полвонлик сўзим шу қизини бир умр бошимга кўтараман. Уни бахтли қиламан! Ана томоша!

Ўктамнинг бу оташин нутқидан сойгўзарлик деганинг бир қалқиб тушди-ку.

— Э, отангга раҳмат! — деди кимдир.

— Мард йигит экан! — деди бошқа биров.

— Ҳақиқий полвоннинг гапи бўлди! — дейди яна кимдир.

Аммо бу гапларни айтган одамларнинг бўй етган қизлари йўқ эди. Бўй қизлари бор эркаклар эса "Бир кунда қизимизни бир йигитнинг қўлига тутқизиб юборсак қандай бўлар экан?", деган андишада мум тишлашди. Яна бировлари "Бировнинг ўрнига тушиб, қизим бахтли бўлармикан?" деб жим туришни афзал билди.

Ўктам даврада, деворлар ортида бу томошадан лол бўлиб, лаб тишлаб турган қизларга мурожаат қилди.

— Ҳей, қизлар! Ораларингда Ноиланинг дугоналари ҳам бордир? Мен сизларга кўнглимдагини айтмоқчиман. Ким унинг ўрнига келин бўлса, мен уни бахтли қиламан! Бу чин йигитлик сўзим!

Тўйхона сув қуйгандек жим бўлди. У ер-бу ердан қизларнинг пиқиллаб йиғлаганлари эшитилди. Ноилани қарғаганлари эшитилди.

— Бор!

Оҳистагина айтилган биргина сўздан, қиз боланинг майингина бу овозидан гўё момақалдироқ гумбурлагандек бўлди.

Ҳамма шу қиз томонга ўгирилди.

— Бор, — деди секингина Ўктам томонга бир-икки қадам босган Зебо. — Ноиланинг ўрнига келин бўлишга мен розиман! Аммо ота-онамни чақиринг, уларнинг розилигини ҳам сўранг. Ота-онам оқ фотиҳа берсалар, шу бугуноқ сиз билан тақдиримни бир умрлик қилиб боғлашга, ҳозироқ сиз билан кетишга розиман!

Ана томоша!

Ҳайрат аралаш овозлар тутди тўйхонани.

— Э, яша, Зебо!

— Юрагингга балли-е!

— Эндиги қизларда уят ҳам қолмади, — деди бир киши, аммо у юзлаб ёвқарашлар тиғи остида қолди.

Зебонинг онаси ҳаммасини кўриб турган эди. Оёғини қўлига олиб уйига югурди. Эрини айтиб келди. Кела-келгунча ҳаммасини айтиб келди. Тушунтириб келди. Ичида "Қизимни бир нима қилиб қўймасин, дадасининг феъли чатоқ", деб келди-да онаизор.

Ота онаизор хавотир тортган бирор ишни қилмади. Одамлар халқасини ёриб ўтиб, қизига бир олам меҳр билан термулиб турган алп-келбат йигитни кўрди. Унинг қошида ер чизиб турган қизи Зебони кўрди. Секин унинг ёнига келди. Бир ёнига онаизор келиб, мунғайиб турди.

— Ҳаммасини эшитдим, — деди Зебонинг отаси. — Қизим, кейин пушаймон бўлмайсанми?

Зебо "йўқ" маъносида бош ирғади.

— Полвон, эртага қизимизнинг бу қарорини юзига солиб, таъна қилмайсизми?

— Шу қизнинг мардлигига тан бердим. Мен ҳамманинг олдида қасам ичдим, мен уни бахтли қиламан!

— Полвон, менам полвон бўлганман, полвоннинг ичидагини биламан. Битта қизим сиздан айлансин. Қизимни сиздай йигитга берганим бўлсин! — Зебонинг отаси кейин тўпланганларга ўгирилди: — Ўв, биродарлар, дуо қилинглар, Ҳайдар полвоннинг қизи бахтли-тахтли бўлсин! Қўшгани билан қўша қарисин! Ували-жували бўлсин!

— Оми-ин!

— Оми-ин!

10

Ай, биродарлар, Жаласойда бир тўй бўлди, бир тўй бўлди, довруғи етти довондан ошди.

11

Зебо "Полвонга тегсам еттита ўғил туғардим. Еттовиниям полвон қилардим, деганида фаришталар омин деган экан.

Зебо Ўктам полвондан етти ўғил кўрди. Еттовиям полвон бўлди. Ҳар тўйда биттадан соврин олиб келишса, етти соврин бўлди, иккитадан олиб келишса, ўн тўрт соврин бўлди. Айримлари бир тўйда тўрттагача соврин олди. Ҳаммаси олган совринини отасига тақлид қилиб, "Топганимиз шу бўлди", деб Зебонинг оёғига қўяр бўлди.

"Аллоҳимдан еттита ўғил сўрабман-у, ўзимга сирдош бўлади, биттагина қиз ҳам бер", демабман, деб бир-икки сўлиш олган Зебога Аллоҳ таоло бир қиз ҳам берди. Аммо у Зебо орзулагандай онасига сирдош бўлмади. Ўғилларнинг ичида ўғил бўлиб ўсган у қиз, акалари билан кураш тушиб улғайган у қиз, қиз боланинг қўғирчоқларини қўлига бир марта ҳам ушламаган у қиз, ўғил бола кийиниб курашларга чиқадиган, ўғил болаларнинг додини берадиган у қиз саккизинчи ўғил бўлди. Унга бошқача таъриф бериб бўлмади.

Ўктам полвон ҳам ваъдасига вафо қилди. Тўғри, у Зебони бир умр бошида кўтариб юрмади. Зебо ерда юрган кунлари ҳам кўп бўлди, аммо Жаласой Жаласой бўлиб Зебодан ҳам ортиқроқ қадрланган аёлни на аввал кўрди, на кейин кўрди.

12

Ай, биродарим-ай! У ёғини сўраб нима қилардингиз?

Ҳикоямни доим шу жойигача айтиб бергим келади. Аммо доим "Кейин-чи?" дейдиганлар чиқади-да. Мана, сиз ҳам "Ноила нима бўлди?" деб ўтирибсиз.

Нима бўларди, йигит-қизлар бор овози билан "Ёр-ёр" айтиб ўтаётганини эшитган Ноила "Мен бу ерда бўлсам, кимга "Ёр-ёр" айтишаяпти экан", дея ажаблана-ажаблана яширинган ғоридан чиқиб келганида унинг уйида тўйдан ном-нишон қолмаган, дугоналарига роса кўз-кўз қилган сепларини машиналарга ортиб олиб кетишган, уйлари ўғри урган эгасиз ҳовлидек ҳувиллаб қолган эди.

"Оқ қиламан, кўк қиламан" деган отаси Адолатнинг бир ўкрайиши билан Ноилани оқ ҳам қилолмади, кўк ҳам қилолмади.

Ноила шундан сўнг қаторасига ўн йил совчи кутди.

Ўн йил деганда уч қишлоқ наридаги хотин қўйган Саттор пиёндан одам келди...

# ҚЎШИҚ — КЎНГИЛ МАЛҲАМИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Шу тариқа репертуарим турли мавзудаги замонавий қўшиқлар билан бойиб борди. Бу одамдаги миллий мумтоз мусиқамизни чуқур билиш, хонанданинг имкониятларини тўғри баҳолай олиш, шеъриятни нозик тушуниш каби хислатлар ижодим элга манзур бўлишига ёрдам бериб келяпти. Мустақиллик, Наврўз байрамларидаги чиқишларим хайрихоҳлик билан кутиб олинганидан сўнг ўрним қўшиқчилик санъатида эканини тушундим. Халқимиз серзавқ, санъатсевар, яхши мусиқанинг, таъсирчан қўшиқнинг ошуфтаси. Бунақа нозиктаъб шинавандалар кўнглига йўл топиш учун сабр-бардош билан тинимсиз изланиш лозим. Қолаверса, қўшиқчиликка ҳеч қачон бугунгидек эътибор берилмаган. Ҳозир барча санъатлар ичида энг пешқадами қўшиқчилик экани ҳаммамизга маълум. Қўшиқчилик санъати ривожи учун юртимизда кенг имкониятлар яратилган. Бу имконият, шарт-шароитлар мени илҳомлантиради. Минглаб одамларнинг нигоҳини сезиб, ҳис қилиб куйлаш, уларнинг қувонч балққан чеҳраларидан завқ олиш санъаткорга илҳом бағишлайди.

**— Албатта, дастлаб театрда иш бошлаганингиз учун санъатнинг илк сабоқларини ҳам шу даргоҳда олгансиз. Бу сабоқлар қўшиқчилик фаолиятингизда асқотяптими?**

— Муқимий театридаги фаолиятим давомида миллий мусиқали театр санъатининг Маҳмуджон Ғафуров, Абдуғафур Абдураҳмонов, Адиба Мирзаева, Равшан Солиҳов, Файзулла Аҳмедов, Рустам Маъдиев, Шуҳрат Расулов каби таниқли санъаткорларидан кўп нарсани ўргандим. Ҳозир улар орамизда йўқ. Қолаверса, Фароғат Раҳматова, Наима Пўлатова, Марям Ихтиёрова каби саҳна усталари билан ҳам елкама-елка туриб, кўплаб саҳна асарларида биргаликда ижод қилиш бахтига муяссар бўлдим.

Санъат институтини битириб эндигина ишга келган пайтларимда Лутфихон ая Саримсоқова билан Омина Фаёзовани кўргани борадиган бўлдик. Лутфихон ая хасталикларига қарамай бизни хушчақчақлик билан кутиб олдилар. Чеҳраларидаги доимий ним табассум ҳали ҳам кўз олдимдан кетмайди. Биз уларга янги кўйлак олиб боргандик. Кўйлакни кийган ая ётган жойларида: "Карима кўйлак киёди, Этаги ерга теголи", лапарини айтиб, ўйинга тушиб бердилар. Ёшлари юзга яқинлашиб қолган бу инсоннинг юрагида ловуллаб ёниб турган санъатга ишқни кўриб ҳайратга тушганман. Омина Фаёзова билан бўлган учрашувдаги суҳбат асносида: «Эй, Худо! Оёғимни олгунча, юрагимдаги саҳнага бўлган муҳаббатимни олсанг бўлмасмиди?!» деб айтган сўзларини ҳамон эслаб юраман. У киши ўзларига бағишланган бир телекўрсатув охирида шундай деганди: «Одамлар мени кўрганларида эсламасинлар, эслаганларида кўргилари келсин!»

Шубҳасиз, бу каби ҳаётий воқеалар менга ҳар қадамда ибрат бўлади. Бирор сабаб бўлиб ўзимни имконсиз сезсам, нимадандир ранжиб, кўнглим оғриса, ўтган гаплар, ибратли воқеалар куч, ишонч беради.

**— Кўпчилик актрисаларимиз орзулари оламида яшайдиган Нурхон, Зуҳра, Ширин, Зулайҳо, Ойбарчин, Гулчеҳра, Тошбуви, Умида, Қизбожи каби ролларни ижро этганингизда кучли мусиқий монологлар (ария ва дуэтлар) кўз ёши билан қоришиқ келганини кузатганмиз. Рости, йиғлаб туриб, қўшиқни жонли ижро эта олишга қодир санъаткорлар жуда кам. Сиз бунга қандай эришардингиз?**

Очиғи, бу бироз қийин савол. Сиз айтган ҳолатга қандай эришишимни биламан, лекин тушунтириб беришим қийин. Бироқ баҳоли қудрат тушунтиришга ҳаракат қиламан. Ҳам ижро жараёнида бўлиб, ҳам қўшиқ айтишнинг ўзига яраша юки бор. Ижро вақтида тана кескин, қатъиятга тўлиқ ҳолатда бўлади. Бундай вақтда кўзга ёш келиши қийин. Қўшиқ қанчалар ҳазин, ғамгин, қайғули бўлса, бунга эришиш яна ҳам қийин. Чунки ўпка тўлиб, йиғлаш ҳолатига тушганингизда томоққа бир нима келиб қадалади. Ана шу «бир нима» товуш пайларини босиб, овозни бўғиб қўяди. Мен шундай вақтда ўпкам тўлиб йиғламайман. Томоғимга «бир нима» келиб қадалмайди. Товуш пайлари меъёрида ишлайверади. Кўзимдан ҳам ёш оқаверади. Бунга эришишимда театрда "Нодирабегим" спектаклини саҳнага қўйган таниқли режиссёр Баҳодир Йўлдошевнинг хизмати катта бўлган. Репетиция жараёнларида устоз билан бу борада жуда кўп ишлаганмиз.

Шунингдек, саҳнада ана шундай кўникма ҳамда малака ҳосил қилишимда менга устозлик қилган Асад Азимов, Наби Халилов каби қўшиқчилик санъати дарғаларидан ҳали-ҳануз миннатдорман.

**— Сўнгги пайтларда катта тадбирлар, шунингдек, турли лойиҳаларда, хайрия маросимларида фаол иштирок этяпсиз. Бундай тадбирларда қатнашиш ўзингизга ҳам руҳий кўтаринкилик бахш этса керак...**

— Албатта, одамларнинг қувончига шерик бўлсанг — қувонч икки ҳисса ортади, дардига шерик бўлсанг — дард иккига бўлинади, дея бежиз айтилмаган. Халққа, одамларга қанчалар яқин бўлсам, уларнинг эҳтиёжини, талабини мукаммалроқ идрок этишга имкон яралади. Мустақиллик, Наврўз, Ватанимиз Қомуси қабул қилинган санани нишонлаш шарафига ўтказиладиган байрам тадбирларида иштирок этишнинг шукуҳи ўзгача! Бундай катта тантаналарда юрагим ёрқин ҳиссиётларга, нурафшон туйғуларга тўлиб-тошади. Рост гап, бунақанги байрамларда ҳаяжондан кўпчилигимизнинг мижжаларимиз ёшланади, чеҳрамизга эса табассум югуради, юракларимиз ҳаприқади.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" ҳамда "Меҳр нури" жамғармалари томонидан ташкил этилган барча лойиҳалар доирасидаги тадбирларга ижодий ҳиссамни қўшишга ҳаракат қиляпман. Жумладан, 1000 та суннат ҳамда 1000 та никоҳ тўйи маросимларини ўтказиш жараёнини, бу тўйларда кузатганим – ҳамюртларимизнинг куйди-пишдилиги, куюнчаклиги, бир-бирига ғамхўрлиги, хурсандчилигидан бошим осмонга етди. Тошкент, Қашқадарё вилоятларида, Қорақалпоғистонда бўлиб ўтган "Асрлар садоси" фестиваллари, турли тадбирлар, пахтакорлар ҳамда ғаллакорлар билан бўлган ижодий учрашувлардаги қизиқарли суҳбатларни анча вақтгача эслаб юрсам керак. Шуни айтиш кераки, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ташкил этилаётган турли лойиҳалар ёш истеъдодларни кашф этиб, уларга кенг йўл очиб бериш билан бирга, биз каби санъаткорларни ўз устида тинимсиз изланишга даъват этяпти.

Ногиронлар ва Меҳрибонлик уйларида ўтказилган хайрия тадбирлари таассуроти ҳам бир умрга қалбимга муҳрланиб қолади. Шундай лаҳзаларда "Қани эди, сеҳргарга айланиб қолсаму мана шу ўксик қалблардаги дардни, жароҳатларни аритсам...", деган хаёлни кўнгилдан ўтказаман. Юртбошимизнинг "Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак", деган гаплари бежиз айтилмаган. Негаки, юртимизда бошқа соҳадаги арбоблар, ҳомийлар қатори биз санъаткорлар хизматидан маънавий рағбат, руҳий мадад оладиган ҳамюртларимиз бисёр. Шунинг учун ҳам биз кўпроқ халқ ичига кириб боришимиз керак.

Санъаткор учун саҳнага чиқиш ҳамиша олий бахт ҳисобланади. Театрда иш бошлаганимдаёқ устозлар саҳна муқаддаслигини уқтиришган. Театр санъати ҳам одамни ўзининг ички оламига назар ташлашга, ўз хатти-ҳаракатлари, аъмолини ҳалоллик, поклик нуқтаи назаридан зеҳндан ўтказишга даъват этади. Назаримда, катта томоша майдони ҳам, концерт заллари ҳам – саҳна! Саҳна масъулияти ҳамма ерда бирдек: санъаткорга жуда катта бурч ҳамда кескин талаблар юклайди. Томоша майдонининг саҳни анча катта бўлгани туфайли бу ерда масъулият ҳисси икки баробар ортади. Санъат ва маданият аҳли орасида: «саҳна ҳар кимни ҳам бағрига олавермайди», «хиёнат қилганлардан саҳна ўч олади» деган ёзилмаган нақллар юришининг асл сабаби ҳам ана шунда.

**— Бугунги эстрада қўшиқчилигининг аҳволи сизни қаноатлантирадими?**

— Аввало, шуни айтиш кераки, бугун Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан миллий эстрада санъати равнақига жуда катта эътибор кўрсатиляпти. Яратилган шарт-шароитлар туфайли юртимизнинг энг чекка ҳудудларида яшовчи ёшлар ҳам катта саҳналарда ўз иқтидорларини бемалол намоён этяптилар. Истеъдодли эстрада хонандалари учун жаҳон саҳналарига кенг йўл очилган. Бу соҳадаги ютуқларни ҳаммамиз кўриб турибмиз.

Афсуски, санъатга энди кириб келаётган ёшларнинг аксарияти бу имкониятлардан тўғри ва унумли фойдаланиш ўрнига, ўзлаштирилган мусиқаларга мазмунан саёз, чала-чулпа тузилган жумлалардан иборат матнларни қўйиб куйлаб ётишибди. Ачинарлиси шундаки, бундай ёшлар ўз савиясизликлари, дидсизликларини намойиш этиш билан бирга, тенгдошларининг ҳам маънавияти кемтик бўлишига ҳисса қўшяптилар.

Санъатга, жумладан, қўшиқчиликка ўзини мажбурлаб, фақат ўз манфаатини, вақтинчалик шон-шуҳратни кўзлаб қадам қўйиб бўлмайди. Овози, истеъдоди бор одам бир чиқишдаёқ билинади. Тўғрисини айтганда, санъатда ва спортда йўқдан бор қилиб бўлмайди. Ҳаммамиз гувоҳмиз, катта байрам тадбирларида қатнашаётган хонандаларнинг ҳар бири мунтазам равишда ижодий изланиш билан банд.

Ҳар соҳада бўлгани каби, хонанданинг сурати ва сийратига баҳо беришда ҳам унинг диди ва меъёр ҳисси асосий рол ўйнайди. Агар мусиқа, шеър, либос танлашда, саҳна маданиятида меъёр бузилса, бу шубҳасиз, хонанда ижросида ва унинг ўзини тутишида яққол акс этади. Афсуски, бундай нарсаларни одамга мажбуран сингдириб бўлмайди. Тўғри, аксарият хонандалар ижодини кимгадир эргашиб, тақлид қилиб бошлайди. Лекин экранга, саҳнага фақат ўз қўшиғи, ўз овози билан чиқсагина эл назарига тушади.

Кези келганда, баъзи хонандаларнинг мумтоз ашулаларимизни эстрадага мослаб куйлаётганларига тўхталиб ўтмоқчи эдим. Бу жараёнга муносабатим ижобий. Чунки ҳамма нарсада ривожланиш бўлиши керак. Эстрадада аранжировка деган нарса бор. Бу – мусиқага сайқал бериш дегани. Агар бастакор ўз ишининг устаси бўлса, ҳар қандай мусиқа аранжировкадан сўнг гўзаллашади, бутунлай бошқача таъсир кучига эга бўлади. Фақат гап мумтоз ашулаларнинг маъно-моҳиятига, асл оҳангига зарар етказмай куйлай олишда. Бўлмаса, бу ишга қўл урмаган маъқул.

**— Янги йил режаларига тўхталсангиз. Мухлисларга қандай тилакларингиз бор?**

— Янги йил Юртбошимиз томонидан "Обод турмуш йили" деб эълон қилинди. Бунда жуда катта маъно бор. Халқимизнинг турмуш тарзи обод ва фаровон бўлиши учун даставвал унинг қалби, маънавияти обод бўлиши лозим. Бунинг учун биз санъат аҳли ҳам ижодий изланишдан тўхтамай, янги-янги, оҳорли қўшиқларимиз билан "Обод турмуш йили" дастурини ҳаётга татбиқ этиш ишига астойдил ҳисса қўшишимиз керак.

Ўзимга келсак, янги йилимизнинг илк байрамлари — Ватан ҳимоячилари кунига, ҳазрат Алишер Навоий ва Бобур Мирзо таваллуд айёмларига янги қўшиқлар тайёрлаяпман.

Яқин кунларда мухлисларга тақдим этганим "Хаёл", "Шамол силкиб", "Бир қарасам" каби қўшиқларим яхши кутиб олинди. Навоий, Огаҳий, Гадоий, Насимий каби мумтоз шоирлар, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Фарида Афрўз, Сулаймон Шодиев каби замондош шоирларнинг шеър ва ғазаллари асосида қўшиқлар яратиш ниятида изланяпман.

Яшамоқ – бу ёруғ оламдаги энг улуғ неъмат. Демак, бизга берилган умрнинг ҳар дақиқасини қадрлашимиз керак. "Яхшилик қилиш қийин. Қўлингиздан келса, кичкинагина бўлса ҳам яхшилик қилинг ёки жуда бўлмаса, ёмонлик қилишдан сақланинг», деган экан машойихларимиз. Янги йил ҳаммамиз учун яхшиликлар йили бўлсин!

**Фарҳод ФАЙЗИЕВ суҳбатлашди.**

**Эркин КОМИЛОВ, Ўзбекистон халқ артисти:**

# ЗАМОН ҚАҲРАМОНИ ОРАМИЗДА



**— 2012 йил ўзбек театри ҳаётида унутилмас воқеаларга бой бўлди. Ўзим ижод қилаётган Ўзбек миллий академик драма театри мисолида гапирадиган бўлсам, ўтган йил томошабинлар эътиборига ранг-баранг услуб ва жанрдаги саҳна асарлари тақдим этилди. Улар орасида, айниқса, "Тақдир синовлари", "Қуёшни сен уйғотасан", "Имкон", "Йиғлама қиз", "Яраланган оққуш ноласи" каби спектакллар мухлислар олқишига сазовор бўлди. Ушбу асарларда илгари сурилган Ватанга садоқат, эл-юртга хизмат, оилага, ота-онага мурувват кўрсатиш каби ғоялар ҳеч бир санъат ихлосмандини бефарқ қолдирмайди.**

Янги йилда ҳам мухлислар эътиборига ана шундай саҳна асарларини ҳавола этишни режалаштирганмиз. Айни пайтда умидли режиссёрларимиздан бири Гулруҳ Мажидова драматург Абдуқаҳҳор Иброҳимов асари асосида "Сенга бир гап айтаман" номли янги томошани саҳналаштирмоқда. Насиб қилса, ушбу спектакл тез орада театр ихлосмандлари эътиборига тақдим қилинади. Энг муҳими, бугун театримизнинг ҳар бир ижодкори, устоз санъаткорлардан тортиб ёш актёрларгача ижодий изланишда.

Спектаклни тушуниш, унинг моҳиятини англаб этиш томошабиннинг диди ва савиясига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Баъзан, бугун мухлислар фақат комедия кўради, жиддий ёхуд фалсафий мавзудаги саҳна асарларини уқишга, қабул қилишга тайёр эмас, деган фикрларни эшитиб қоламан. Шукрки, томошабинларнинг нигоҳи анча теранлашиб, бадиий савияси кўтарилган. Шу боис юқори савияли спектакл қўйилса, у хоҳ драма, хоҳ комедия жанрида бўлсин, албатта, келиб кўришади. Уларнинг ана шу эҳтиёжларини қондириш эса биз саҳна ижодкорларининг асосий вазифамиз ҳисобланади.

Гоҳида ёниб-куйиб ўйнаган ижроимиз томошабин тилига тушмаса ёки эътироф этилмаса, уларни дидсизликда, театрни тушунмасликда айблаймиз. Бу нотўғри, албатта. Томошабинни айблаб бўлмайди, чунки асл санъат фидойиси доим холис бўлади. Ҳар қанча айб, нуқсон бўлса, ўзимиздан қидиришимиз лозим. Айниқса, саҳнада рол ўйнаётган актёр ижро масъулиятини ҳеч қачон унутмаслиги керак. Зотан, саҳна санъати сунъийликни, қуруқ намойишни, сохта ижрони ёқтирмайди.

Маълумки, истиқлол йилларида миллий маданиятимизнинг ажралмас қисми ҳисобланган театр санъати ривожига катта эътибор қаратилди. Театрлар учун муҳташам бинолар барпо этилиб, мавжудлари таъмирдан чиқарилди. Яқинда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқий театрининг очилиш маросимида бўлиб қайтдим. Очиғи, театрнинг реконструкциядан сўнг янги қиёфа касб этган биносини кўриб, ҳайратимни яшира олмадим. Бу ерда актёрлар, режиссёрлар учун яратилган имкониятлар пойтахт театрларидан кам эмас.

Президентимиз Бухоро вилоят театрининг очилиш маросимида замон қаҳрамони образини саҳнада гавдалантириш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган эди. Ҳозир юртимиздаги барча театрлар бу йўналишда изланиш олиб бормоқда. Бироқ, ўйлашимча, замон қаҳрамонини узоқдан қидириш шарт эмас, шунчаки теварак-атрофга, ён-веримизга диққат билан разм солсак, албатта, уни топамиз. Айтайлик, замон қаҳрамони кунда кўришиб, аҳамият бермайдиган, аммо ўз ишида астойдил енг шимариб, меҳнат қилаётган дўстимиз бўлиши ҳеч гап эмас. Бу борада, аввало, драматургларимиз фаоллик кўрсатиши лозим, деб ўйлайман.

Мухлисларнинг хабари бор, Миллий театр ҳам замон қаҳрамонининг саҳнавий қиёфасини яратиш борасида жиддий изланиш олиб бормоқда. Ёзувчи Қўчқор Норқобил асари асосида режиссёр Нодира Маҳмудова саҳналаштирилган "Тақдир синовлари" спектаклини жамоамизнинг бу йўлдаги самарали изланишларидан бири сифатида эътироф этиш мумкин. Ушбу асарни илк бора қўлимга олганимда, унда мен орзу қилган қаҳрамон образи, актёр "чўмилиб" ўйнайдиган бой ижодий манба мавжудлигини сезганман. Қаҳрамоним Жайрон бобо ҳалолликни касб қилган, чўпонлик ортидан тирикчилик қилиб кун кўраётган, сизу бизга ўхшаш оддий инсон. Шу туфайли бу образни ҳар гал ижро этганимда, муаллиф матнига қўшиб, замондошларимга айтмоқни мақсад қилган мурожаатларимни тўкиб солгандек бўламан.

Якунланган йил ўзбек театр санъати учун ўзига хос изланишлар, янгиланишларга бой бўлди. Насиб қилса, янги йилда ижодий сермаҳсуллик бундан-да юқори бўлиб, халқимизга манзур бўладиган саҳна асарлари дунёга келади. Зотан, бу мақсадга эришиш учун бизда барча имкониятлар мавжуд. 2013 йил мамлакатимизда "Обод турмуш йили" деб эълон қилиниши бежиз эмас. Президентимиз таъкидлаганидек, обод турмуш, аввало, обод кўнгилдан бошланади. Меҳр-оқибат, саховат, одамийлик каби туйғуларни қалбига жо қилмаган инсон эса фаровон ҳаёт кечира олмайди. Шу маънода, "Обод турмуш йили" барчамизга хайрли ва баракали келишини тилайман.

**Шоҳруҳ АБДУРАСУЛОВ ёзиб олди.**

# "СОҲИБА"

Абдулҳамид Мажидий номидаги Каттақўрғон драма театри жамоаси шоира Эркатош Шукурованинг "Соҳиба" номли икки парда беш кўринишли пиесаси асосида яратилган янги спектаклни мухлислар эътиборига ҳавола этди.

Янги томоша

Томоша воқеалари деҳқончиликда суяги қотган қишлоқ фарзанди, фермер Ёқубжоннинг оиласи, унинг қувонч ва ташвишлари, ҳаётда учрайдиган лоқайдликлар, ҳалол меҳнат самараси, ота изидан бораётган деҳқон фарзандлари ҳақида.



Муаллиф ва ижодий жамоа изланишлари маҳсули бўлган спектакл ёш режиссёр Фотима Мирсоатова раҳбарлигида саҳнага олиб чиқилди. Асар воқеалари руҳига мос саҳна кўринишлари ва безаклари театр бош рассоми Ноила Қораева мўйқаламига мансуб.

Спектаклдаги асосий ролларни Ўткир Очилов, Мўмина Абдурашидова, Умрзоқ Тиллаев, Дилором Эгамова, Бекпўлат Рустамов, Сайёра Отақулова, Динара Тўйчиева, Моҳигул Шерова, Зуҳриддин Янгибоев каби актёрлар ижро этмоқда.

**А.ҲОШИМОВ**

# ЎЗБЕК ОПЕРАСИНИНГ ЯНА БИР ЮТУҒИ

Раҳим Мирзакамолов билан бундан икки йил илгари, у Шаляпин номидаги халқаро танловда муваффақиятли қатнашиб қайтганида учрашгандик. Суҳбат жараёнида ёш ижрочи "Меҳнат ва фақат доимий меҳнатгина бу касбни мукаммал эгаллашга йўл очиши мумкин", деганди.

Эътироф

Янги йил арафасида Р.Мирзакамоловнинг изланишлари яна бир бор халқаро кўламда эътироф этилганидан хабардор бўлдик. Раҳим Беларусь пойтахти Минск шаҳрида бўлиб ўтган вокалистларнинг "Competirione dell Opera" халқаро танловида биринчи ўринни эгаллади.

— Беларусь Республикасининг Миллий академик опера ва балет театрида ўтган бу танловда турли мамлакатлардан бир юз олтмишга яқин солист қатнашди, — дейди Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри директори, халқаро танлов ҳайъати аъзоси Бахтиёр Ёқубов. — Уч турда ўтказилган танлов финалида йигирмадан ўттиз ёшгача бўлган 12 та вокалист ўз маҳоратини намойиш этди.

Шуниси таҳсинга лойиқки, опералардан ариялар фақат италян тилида куйланадиган, дунёнинг йирик опера санъаткорлари ҳакамлик қилган шундай нуфузли танловда ўзбек опера мактаби вакили ғолиб деб топилди. Агар ҳайъат ижрочининг яхши овозини, уни ишлата олиш қобилияти, тилни қанчалар мукаммал ўзлаштирганини, бир сўз билан айтганда, ҳақиқий профессионализмни инобатга олиб баҳолаганини назарда тутсак, бу ўзбек опера мактабининг юқори савияда эътироф этилишидир.



Дарҳақиқат, Р.Мирзакамолов бугунги кунда юртимизнинг энг умидли вокалистларидан бири. У олдин ҳам бир неча халқаро танловларда муваффақиятли қатнашган. Жумладан, Қозоғистонда ўтган рус романси ижрочиларининг халқаро танловида бош совринни қўлга киритган. Дунёнинг кўплаб саҳналарида ўз истеъдодини намоён этиб келаётган бу ноёб овоз соҳиби репертуаридан ўзбек, француз, италян ва бошқа халқлар композиторлари асарлари ўрин олган.

— Менинг мазкур танловдаги ютуғим давлатимиз ва ҳукуматимизнинг ёш истеъдодларга кўрсатаётган ғамхўрлиги ва эътибори натижасидир, — дейди Р.Мирзакамолов, — Барча қатнашчилар қатори танлов низомида кўрсатилган олтита арияни ижро этдим. Ҳайъат менинг ижроимни биринчи ўринга муносиб кўргани ўзбек опера санъатининг мавқеи ва нуфузи тобора юксалиб бораётганидан далолатдир. Бундай эътироф биз ёшларни янада кўпроқ изланишга ундайди.

**Г.ФАЙЗИЕВА**

# МАДАНИЙ ҲАЁТ

В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида ёшлар фортепиано, зарбли, дамли ва торли чолғулар, мусиқа назарияси ва композиция, хор дирижёрлиги каби йўналишларда таълим олмоқда. Лицей талабалари хорижда бўлиб ўтаётган кўплаб кўрик-танловлар: санъат фестиваллари ва концертларда совринли ўринларни эгаллаб, томошабинлар олқишига сазовор бўлмоқда.

Ўзбекистон давлат консерваториясида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ҳамкорлигида ўтказилган "Болажонлар — болаларга!" деб номланган концерт дастурида лицей ўқувчилари ўзбек ва жаҳон бастакорлари асарларидан намуналар ижро этишди.

«ШЧ» хандаси

# АКАМЛАРНИНГ АРОҒИ



Кимга қандай нодирдир,
Билмам қандай яроғи.
Кўп ишларга қодирдир
Акамларнинг ароғи.
Рухсатнома тутқазар,
Битмас ишни битказар,
Мансабга ҳам ўтқазар
Акамларнинг ароғи.
Кўпларни дўст қилган шу,
Даврани хуш қилган шу,
Ишларни беш қилган шу
Акамларнинг ароғи.
Ўғлин қўйган ўқишга,
Сўнг киргизган зўр ишга,
Барҳам берган ташвишга
Акамларнинг ароғи.
Хўп сузилиб боқар у,
Ичганга хуш ёқар у,
Кунда сувдай оқар у
Акамларнинг ароғи.
Тўрт оёқлаб юради,
Мастдан кўплар кулади,
Қачон адо бўлади
Акамларнинг ароғи?!

# ОПАМЛАРНИНГ ЎҚЛОВИ

Бўлмас чивин чаққанча
Аёлларнинг дўқлови.
Қудратли куч лек анча
Опамларнинг ўқлови.
Зўр қуролдир, даҳшатли,
Зарба берар қаҳшатли,
Ишлатилар мақсадли
Опамларнинг ўқлови.
Ичиб келса поччамиз,
Қандай эшик очамиз,
Тушмай бошга қочамиз
Опамларнинг ўқлови.
Хизмат қилсанг қорингга,
Сомса, манти, норингга,
Шукур деймиз борингга,
Опамларнинг ўқлови.

# ЎҒИЛЧАМНИНГ СУМАГИ

Мўъжиза, дер бир чет эллик
Чойнагимиз чумагини.
Менга сот, дер бир чет эллик
Ўғилчамнинг сумагини.
Аввал обдон ушлаб кўрди,
Кейин чертиб, муштлаб кўрди,
Охирида тишлаб кўрди
Ўғилчамнинг сумагини.
Рўмолчасин бойладилар,
Ўз тилида сайрадилар,
Ҳидлаб кўриб яйрадилар,
Ўғилчамнинг сумагини.



Мен ҳайронман, мот деди у,
Зўр асар бу, дод деди у,
Қанча берай, сот деди у
Ўғилчамнинг сумагини.
Мақтаб майли толдиринг сиз,
Не олсангиз, олдиринг сиз,
Бешигида қолдиринг сиз
Ўғилчамнинг сумагини.
Мўъжиза, дер бир чет эллик
Чойнагимиз чумагини.
Менга сот, дер бир чет эллик
Ўғилчамнинг сумагини.

Абдураззоқ ОБРЎЙ

Соғлиғинг — бойлигинг...

# ҚАНДАЙ ЧОЙ ФОЙДАЛИ: кўкми ёки қора?

Иқлими нисбатан совуқ минтақаларда қора чойни хуш кўришса-да, мутахассислар фикрича, кўк чой фойдалироқ экан. Чой тайёрлаш технологияси нафақат чойнинг табиий ранги ва хушбўй ҳидини, айни чоғда таркибидаги дармондориларни ҳам сақлаб қолиш имконини беради. Шу боис бу ҳузурбахш ичимлик хусусиятларидан билиб фойдаланганда тансиҳатлигимиз учун катта фойда олишимиз мумкин. Бироқ биз...

С дармондориси кўк чойда қора чойдагига нисбатан ўн баробар кўп. Қон томирлари деворининг мустаҳкамлигини оширадиган Р витамини миқдорига кўра эса кўк чой «чемпион» ҳисобланади. Кўк чой таркибидаги ушбу дармондорлар бир-бирининг фойдали таъсирини кучайтиради, В гуруҳидаги витаминлар мажмуи эса, асаб тизими ишини меъёрга солиб, терига ва модда алмашинувига яхши таъсир этади.

Кўк чой таркибидаги катехинлар эркин радикаллар билан курашиб организмнинг қариш жараёнини сусайтиради ва саратондан ҳимоялайди. Кўк чойнинг жамики хусусиятларини батафсил ўрганаётган Япониядаги саратон хасталиги келиб чиқишини тадқиқ этиш маркази мутахассислари кўк чойни мунтазам ичиш ўсмаларнинг пайдо бўлиш хавфини камайтиришини исботлашган. Унинг таркибидаги танин моддаси таом ҳазм бўлишини енгиллаштириб, меда-ичак йўли ишини фаоллаштиради, бу эса ортиқча вазнга қарши кураш демакдир. Марказий Осиё аҳолиси қадим-қадимдан ёғли таомдан сўнг меъдадаги оғирликни бартараф этиш учун босиб-босиб кўк чой ичади. Кўк чойдаги пектинлар ёғларни тез парчалайди ва ёғлар заҳирага айланмай танага енгил сингиб-ўзлашиб кетади. Кўк чой ёғларни парчалаш орқали қондаги холестерин миқдорини туширади ва атеросклероз пайдо бўлишини орқага суради.



Таомдан заҳарланишни бартараф этиш ва ичакдаги бактерияларни қиришда ҳам кўк чойнинг олдига тушадиган ичимлик топилмайди. Ўтган асрнинг эллигинчи йилларидаёқ туркманистонлик олимлар кўк чойнинг бошқа турдошларига қараганда кучли бактерия қириш хусусиятини аниқлашганди. Кўк чой меъда ва ичакларни, танани зарарли унсурлардан тозалайди, унинг сийдик ҳайдаш хусусияти эса буйракни заҳар ва тузлардан холи қилади. Кўк чой ичиб терлаганда зарарли моддалар тер билан чиқиб кетади. Айни чоғда теридаги тиқилмалар сўрилиб, тери енгил нафас ола бошлайди ва тананинг умумий ҳолати яхшиланади.

Яна шуни ҳам унутмангки, биз ҳар куни эртадан кечгача қуёш радиациясидан тортиб, у қадар безарар бўлмаган электромагнит тўлқинлари тарқатувчи телевизор, компьютер, турли маиший техника воситаларининг салбий таъсири доирасида бўламиз. Кўк чой ушбу "электрон нотозаликлар"дан ҳам бизни муҳофазалайди, уларни организмдан енгил чиқариб юбора олади. Демак, танамиз нурланишдан камроқ зарар кўради. Чой бош мия томирларини кенгайтириб, қон ва кислород билан таъминланишни яхшилайди. Натижада мия фаоллашади. Кўк чойнинг асаб, нафас олиш ва юрак-қон томир тизимларига комплекс таъсири туфайли тананинг умумий ҳаётий фаоллиги мустаҳкамланади, иш қобилияти ошади.

✔ Кўк чойни дамлашда ҳам ҳикмат кўп. Аввало, чой дамлаш учун қайнатиладиган сув юмшоқ бўлиши керак. Агар сув сифатсиз бўлса, энг яхши чойнинг ҳам таъмини бузади. Илмий тадқиқотларга асосланган чой дамлаш санъатининг айрим сирларини билиб қўйиш фойдадан холи эмас. Шиша идишларга қадоқланган ва уйда сузгич ёрдамида тозалаб юмшоқ ҳолга келтирилган сифатли сув яхши чой дамлаш учун айни муддао. Такрор қайнатилган сувга дамланганда ҳам чой таъми бузилади.

✔ Кўк чой дамлангандан сўнг уни чойнакда узоқ қолдирманг. Акс ҳолда чой япроқлари ивиб, дармондорилар йўқолади. Хитойда кўк чой чойнакда эмас, бевосита пиёла ёки бошқа чинни идишга дамланади, сўнг усти махсус қопқоқ билан ёпиб қўйилади. Бунда ўша идишга бир ёки бир ярим чой қошиқ чой солиниб, идишнинг тўртдан уч қисмига қайнаб сал ҳовури босилган сув қуюлади. Сўнг чой 2-3 дақиқа тиндирилади. Пиёладаги чой бир марта ичиб бўлинса ҳам, чой шаммаси олиб ташланмайди, у кун давомида яна икки марта дамлашга яроқли ҳисобланади. Шундай қилинганда чой япроғи ўзидаги барча "бойлик"ларни тўла-тўкис инъом этади. Биринчи марта дамланганда чойнинг ҳиди чиқади-ю, бироқ таъмининг ўткирлиги у қадар билинмайди. Чойнинг ҳақиқий таъми иккинчи ва учинчи дамлашда чиқади.

✔ Йирик япроқли чойлар одатда хушбўйроқ, майда япроқлилари эса ўткир ва тахирроқ бўлади. Олий навли чойлар ўсимликнинг энг юқоридаги япроқчаларидан тайёрланади.

✔ Кўк чой билан ширинлик у қадар мослашмайди, бироқ таъбга кўра, оғизни ширин қилиш учунгина ширинлик қўшилса зиён қилмайди. Негаки, кўк чой шу қадар нозик маҳсулотки, ҳар қандай ширинлик, мураббо ёки асал унинг таъмини таниб бўлмас даражада ўзгартиради.

✔ Кўк чойнинг яна бир жиҳатини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Испания ва АҚШ олимлари тадқиқот ўтказиб, саломатлик учун фойдали ҳисобланадиган кўк чой жигар учун зарарли деган хулосага келишди. Испаниянинг Мурси университетидаги Жон Иннес маркази олимлари кўк чой фолий кислотасининг (B9 дармондориси) танага сингишига тўсқинлик қилишини аниқлаган. MedikForum.ru. сайтидаги хабарга кўра, испаниялик олимлар фикрича кўк чойни кунига фақат икки-уч чашка ичиб қўйилса, зарарли таъсири бўлар экан.

Нью-Жерсидаги давлат университети олимлари изоҳига кўра, кўк чой жигарда дегенератив жараёнларни қўзғаркан. Мунтазам кўк чой ичилганда жигарнинг тўқима ҳужайраларида салбий ўзгариш пайдо қиладиган полифеноллар организмда кўпаяркан. Кунига икки пиёла чой ичадиган одамларнинг жигари саломатлигига кўк чой таъсир кўрсатади, дейишади олимлар.

*"АиФ"нинг 52-сонидан олинди.*

Ўзим ўқийман

# ҚОРБОБОГА САВОЛ



Ҳар янги йил келасиз
Совға-саломлар билан,
Байрамнинг ойбекаси —
Қорқиз опамлар билан.
Саволларим бор сизга,
Оилангиз ҳақда бу:
Биргинами қизингиз,
Ўғлингиз-чи, қайда у?
Қорболами, Қорйигит,
Хўп улғайиб қолгандир?
(Мўйлови сабза уриб,
Соқолларин олгандир...)
...Ҳа, тушундим сирини,
Ўрмондан ҳеч жилмас у.
Ойиси — Қорбувини
Ёлғиз ташлаб келмас у.

# АРЧА

О, санъаткор табиат,
Сенга таъзим қиламан.
Шундай ажиб бир дарахт
Яратибсан... нимадан.

# ҚОР АЛЁРИ

Осмон қорни элади,
Ерни оққа белади.
Худди юмшоқ пар тўшак,
Думалагинг келади.
Қор ёғар-ей, қор ёғар,
Тўлиб дала-қир ёғар.
Бошимиздан сочқидай,
Оқ марварид — дур ёғар.
Хўп яхмалак отамиз,
Гоҳо қорга ботамиз,
Қизиб жўшар қон танда,
Ким дейди совқотамиз?
Қиш яхши-ё, қиш яхши,
Оппоқ қир — кумуш яхши.
Бир-бировга қор отиб,
Қийқириб, қувиш яхши.
Қортўпларни отамиз,
Роса кулиб қотамиз.
Писанд қилмай аёзни,
Қиш завқини тотамиз.
Қор ёғар-ей, зўр ёғар,
Ризқу рўз мўл-кўл ёғар.
Хўп қувнатиб дилларни,
Завқимизга жўр ёғар.

Дилшод РАЖАБ



Бу менинг синглим. Фотоэтюд.

Доимий ҳамроҳ

# "АҲМАД ЯССАВИЙ"

"Ўзбекистон" нашриёти янги йил арафасида таниқли ёзувчи Саъдулла Сиёевнинг "Аҳмад Яссавий" романининг биринчи ва иккинчи китобларини яхлит ҳолда босмадан чиқарди.





Ҳазрат Навоий бобомиз таъбири билан айтганда, пири Туркистоний Хожа Аҳмад Яссавий тўғрисидаги бу асарнинг илк боблари 1993 йили "Шарқ юлдузи" журналида босилгани ва унинг иккинчи китоби 2002 йили "Яссавийнинг сўнгги сафари" номи билан чоп этилганидан китобхонларнинг хабар бор. Ва ниҳоят, орадан ўн йил ўтиб, романнинг якуний фасллари ҳам битилди. Адиб асарга "Аҳмад Яссавий" дея умумий ном берди.

Ёзувчи романда олис тарих қаърига саёҳат қилиб, Ҳаким Термизий, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк боболаримиз сарвари, пири комил шайх-ул машойих Хожа Аҳмад Яссавийнинг тўлақонли сиймосини яратишга ҳаракат қилган. Ўқувчи халқона, содда ва самимий сатрлардан иборат "Девони ҳикмат" китобини битган, эл-улус ғамини чекиб яшаган донишманд сиймо билан бирга Юсуф Ҳамадоний, Абдулхолиқ Ғиждувоний ва бошқа кўплаб тасаввуф олимлари ҳамда улар яшаган даврнинг тарихий ҳақиқатлари билан ҳам яқиндан танишадилар.

Романнинг биринчи китоби "Қасамхўрнинг жазоси", иккинчи китоб эса "Она юрт шамоллари", деб номланган. Ўн асрдан бери турк оламини ҳайратга солиб келаётган улуғ бобомизнинг ҳаёт қиссаси кўп сонли зукко китобхонларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

Муҳаррир Анвар Шер.

# "ЎЗ-ЎЗИНГНИ АНГЛАБ ЕТ"

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати Муҳаммад Али "Танланган асарлар"ининг иккинчи жилди босмадан чиқди. Мазкур жилдда ранг-баранг мавзуларни ўзида акс эттирган публицистик асарлар жамланган.





Адиб тарихимизнинг долзарб мавзуларига бағишланган кўплаб эсселар ва мақолалар муаллифи. Ўз вақтида "Ўз-ўзингни англаб ет" эссеси ўқувчилар эътиборини қозонган бўлса, "Амир Темур чамани" эссесида мамлакатимизда ва жаҳонда соҳибқирон Амир Темур тарихига бўлган муносабатлар таҳлил қилинган, ўринли хулосалар чиқарилган. Булардан ташқари, китобдан "Насибасиз қолган денгиз", "Ҳақиқатдан чекинма, Тарих!", "Ошиқ бўлмай Ҳақ дийдорин кўрса бўлмас", шунингдек, Адам Мицкевич, Александр Пушкин, Ойбек каби улуғ адиблар ҳақидаги эсселар ўрин олган.

Китобга кирган "Улуғ аждодлардан мерос шижоат" публицистик очеркида Қуролли кучларимизнинг ташкил этилиш тарихи, "Довруқ", "Андижон шунқорлари" очеркларида замондошларимиз ҳаёти ҳикоя қилинади.

"Портретларга чизгилар" фаслида тарих ва адабиёт арбобларига бағишланган мўъжаз портретлар билан танишасиз.

Китобдан жой олган суҳбатлар бевосита бугунги адабий жараён муаммоларини ўзида акс эттирган. "Амир Темур ва сарбадорлар", "Шеърий роман ва маҳорат" "Ўз ҳаққимиз қилурмиз даъво" каби суҳбатлар фактик материалларга бойлиги билан эътиборга молик.

Бугуннинг долзарб масалалари қаламга олинган "Ватан ҳақида сўз", "Озод Ватан одами", "Оламни адлу эҳсон билан обод этиб", "Комил инсон ҳақида ўйлар" каби публицистик мақолалар, "Миллий уйғониш туйғулари", "Роман ҳақида ўйлар", "Адабий қайдлар", "Бу камолот гаҳи назмга майл қилур", "Тозариш йиллари" "Олтин ёруғ шуълалари" каби адабий мақолалар ҳам нозик кузатишларга, теран мушоҳадага асослангани билан ўқувчи эътиборини тортиши тайин.

Китоб "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририятида босиб чиқарилган. Муҳаррир Рустам Бойтўра.

Журналларни варақлаганда

# "ШАРҚ ЮЛДУЗИ"

## 2012 йил, 6-сон

Журналнинг илк саҳифаларида "Шарқ" нашриёти бош муҳаррири Аҳрор Аҳмедовнинг публицистик мақоласи берилган. Унда муаллиф бугунги куннинг долзарб мавзуси — оила мустаҳкамлигини таъминлаш, маънавиятнинг ноширлик, матбаа ва айниқса, китоб савдоси билан узвий боғлиқ жиҳатлари, муаммолари ҳақида мулоҳаза юритади.

Шеърият саҳифаларида навқирон авлод вакилларидан бир гуруҳининг янги туркумлари эълон қилинган. Мазкур туркумларда Абдували Қутбиддин, Фарида Афрўз, Азиз Саид, Ўктамой, Раҳимжон Раҳмат, Фарида Ҳусаинованинг янги шеърларини ўқийсиз. Зикрилло Неъматнинг ғазаллари, Ориф Тўхташнинг "Болалар дунёси" рукнида берилган шеърлари, Дилшод Ражабнинг "Нур ва соя" номли қайдлари ҳам журналнинг ушбу сонида эълон қилинган.





Насрий асарлар мундарижасидан Ғулом Каримийнинг "Лангар фожиаси" романидан парча, Асад Дилмуроднинг "Ранг ва меҳвар" романининг якуний қисми, қорақалпоқ ёзувчиси Оллоназар Абдиевнинг "Йиртиқ этик" ҳикояси ҳамда Баҳорнинг "Ишқ манзаралари" бадиаси жой олган.

Таниқли олим Тўра Мирзаевнинг йирик тилшунос, фольклоршунос Ғози Олим Юнусов ҳақидаги ёдномаси, ёзувчи Нодир Норматов билан адабиётшунос Абдулла Улуғовнинг бадиий ижод сир-синоатлари ҳақидаги суҳбати, адабий жараённинг долзарб муаммоларига бағишланган бир неча мақолалар ушбу сон мундарижасининг ранг-баранглигини таъминлаган. Чунончи, Муҳаммаджон Холбековнинг "Лотин Америкаси романи" мақоласида атоқли адиб Габриэль Гарси Маркеснинг ҳаёт ва ижод йўли, асарлари ҳақида батафсил фикр юритилади.

"Адабиётшунослик" рукнида берилган Д.Қуроновнинг "Завқимдан бир шингил" ва Р.Қўчқорнинг "Дарбадарликнинг бедор талқини" мақолаларида бугунги ўзбек насри ютуқлари кузатилса, З.Мирзаева ҳамда М.Ҳамроева тадқиқотларида бадиий асарлардаги айрим рамзий ифодалар ва тарихий образлар таҳлил ва талқин этилган. Р.Баракаев ва Н.Жабборов мақолалари атоқли болалар шоири Зафар Диёр ижоди ҳамда таниқли олим Бегали Қосимов илмий фаолиятини ёритишга бағишланган.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзилимиз: uzas@b2c.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50
Санъат бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-57-42
Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб – Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи — Азизхон ИМОМОВ
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41 уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.48

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 6403 Буюртма Г — 144. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 4 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.

ISSN 2181-614X